



ТОШКЕНТ

Ҳақсавар, она юрт, монгу бўл вбод!

ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2003 йил 12 апрель, шанба

• №30 (11.521)

• Эркин нархда сотилади

ЎЗБЕКИСТОН – УКРАИНА: ПРЕЗИДЕНТЛАР МУЛОҚОТИ

10 апрель куни Украина Президенти Леонид Кучма амалий ташриф билан Тошкентга келди. "Дўрмон" қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов билан Украина раҳбарининг яқма-яққа суҳбати бўлиб ўтди. Президентлар Ўзбекистон-Украина муносабатларига доир масалалар, халқаро миқёсдаги муаммолар юзасидан фикр алмашди.

Мамлакатларимиз ўртасида турли даражадаги мулоқотлар мунтазам равишда ташкил этиб келинади. Президентларнинг суҳбати давомида илгари эришилган келишувларни ҳаётга жорий қилишнинг бориши, ўзаро муносабатларга оид долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ислам Каримов ва Леонид Кучма Ироқда кечаётган воқеалар, Афғонистондаги тикланиш жараёни, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга оид масалаларни муҳокама қилиб, бу борада икки ва кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш зарурлигини таъкидлади. Айниқса, Афғонистондаги тикланиш ишларида йўлсозлик, кўприксозлик, транспорт каби кўплаб соҳалар вакиллари самарали ҳамкорлик қилиши мумкин.

Халқаро аҳамиятга молик қатор масалаларда Ўзбекистон ва Украина раҳбарларининг қарашлари бир-бирига ҳамоҳанг. Бу сафар Леонид Кучма мамлакатимизга Украина Президенти ва МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг раиси сифатида келган. Ўзбекистон ва Украина ушбу тузилмани ислоҳ этиш ва ривожлантиришнинг таклиф ва ташаббуслари борасида ҳам доим бир-бирини қўллаб-қувватлаб келган.

Ўзбекистон-Украина ҳамкорлигида транспорт коммуникациялари алоҳида ўрин тутди. Масалан, мамлакатимиз ўз товарларини хорижий мамлакатларга Украина портлари орқали юборишдан манфаатдор. Леонид Кучманинг ўтган галги Тошкентга ташрифи чоғида бу масала кўтарилган ва мутасаддиларга аниқ топшириқлар берилган эди. Шунинг натижасида бу борада ижобий ўзгаришлар кўпаймоқда. Суҳбат давомида бундай силжишларни ҳар томонлама рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаб боришга келишиб олинди.

Учрашув якунида бундай икки томонлама мулоқотлар ҳамкорликнинг нафақат жорий босқичини таҳлил этиш, балки унинг истиқболдаги вазифаларини белгилаб олиш, муносабатларни кўп томонлама асосда янада ривожлантириш

йўлидаги муҳим қадамлар бўлаётгани таъкидланди. Президент Ислам Каримовнинг Украина раҳбари билан бу галги учрашуви эса, аънавий дўстлик, ўзаро манфаатдорлик, ишонч, ҳурмат ва тенглик асосида рағбат топиб бораётган алоқаларимизга янги суръат бахш этишига ишонч билдирилди.

11 апрель куни "Дўрмон" қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ҳамда амалий ташриф билан мамлакатимизга келган Украина Президенти Леонид Кучма ўртасидаги музокаралар давом этди.

Президентлар Ўзбекистон-Украина муносабатларининг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари ҳусусида фикр алмашди. Жумладан, савдо-иқтисодий ҳамкорлик қўламини ошириш масалаларини муҳокама қилди. Ўтган йили мамлакатларимиз ўртасидаги савдо ҳажми 350 миллион АҚШ доллари ташкил этган эди. Президентларнинг ташаббуси билан бу кўрсаткични кўтариш учун янги имконият ва қўлайликлар яратилмоқда. Хусусан, давлатларимиз раҳбарларининг келишувига биноан, кўп томонлама ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Украина ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг таркиби янгиланиб, шу йил январь ойида Киевда унинг мажлиси ўтказилди.

"Дўрмон"даги музокаралар чоғида халқаро тузилмалар доирасида ҳамкорлик масалаларига, жумладан, МДХ доирасидаги жараёнларга ҳам эътибор қаратилди. Томонлар, шунингдек, муҳим халқаро муаммолар юзасидан фикрлашиб олди. Президентлар Ироқдаги вазиятни муҳокама қилар экан, ҳарбий ҳаракатлар имкон қадар тез ниҳоясига етиб, мамлакатда демократия тамойилларига мос янги жамиятни шакллантириш, халқ ҳўжа-лигида тикланиш ишларини амалга ошириш бошланишининг тарафдори эканлигини билдирди.

Учрашув ниҳоясида музокаралар самимий ва дўстона руҳда ўтгани, томонлар кўтарилган барча масалалар бўйича яқдил фикрда эканлиги таъкидланди.

Шу билан Украина Президентининг мамлакатимизга амалий ташрифи якунланди. Пойтахт аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов кузатиб қолди.

(ЎЗА).

Мардлар кўриқлайди Ватанни!



МУҚАДДАС БУРЧ

Кўни-кеча Тошкент вилоятидан бир гуруҳ йигитлар ҳарбий хизматга отландилар.

Вилоятдан ҳарбий хизматга чақирилувчиларнинг дастлабки гуруҳини ҳарбий хизматга кузатиш маросими бўлиб ўтди. Шу муносабат билан кўни-кеча Тошкент шаҳрининг шимолий вокзали ҳар кунгидан гавжум ва файзли бўлди. Чунки, бу ерга вилоятимизнинг олис-яқин шаҳар ва туманларидан кўпчилик ўз жигаргўшаларини армия сафига, йигитлик бурчини ўташ учун кузатишга йиғилди. Барчанинг кўзларида қувонч, бўлажак аскарларга ҳавас билан боқишди.

— Бу йилги чақирув олдингиларидан тубдан фарқ қилади, — деди вилоят Мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи Шокир Шамсиев. — Бугун ҳарбий хизматга йўл олаётган йигитларнинг барчаси махсус синовлардан

ўтган. Уларнинг жисмоний ҳамда маънавий баркамолликлари ҳисобга олинган бўлиб, етти мучаси соғлом йигитларгина армия сафларига сафарбар қилинмоқда. Бунинг учун улар спортнинг бир неча турлари бўйича имтиҳон топширдилар, ижтимоий-сиёсий билимлари эса тест бўйича синаб кўрилди.

Кузатув маросими Республикамиз мадҳиясини ижро этиш билан бошланди. Шундан сўнг вилоят ҳокимининг ўринбосари Абдукарим Раҳимбердиев йигитлик бурчини адо этишга бораётган бўлажак аскарларга мурожаат қилди:

— Ишонамизки, сизлар ҳарбий бурчини аъло даражада бажариб, Тошкент вилоятининг

(Давоми 2-бетда).

Лоран Ги:

«ТОШКЕНТ АНЖУМАНИ ЕТТБ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНГИ ПОҒОНАГА КЎТАРАДИ»



Май ойининг бошида Тошкентда бўлиб ўтадиган Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки (ЕТТБ) Бошқарувчилари Кенгашининг йиллик мажлиси халқаро молиявий ва ишбилармон доираларнинг диққат эътиборини Ўзбекистонга қаратиш билан бир қаторда Марказий Осиё минтақасининг сармоявий имкониятларини муҳокама этиш анжумани ҳам бўлади. Ушбу муҳим халқаро тадбир арафасида ЕТТБ Директорлари Кенгаши аъзоси, Ўзбекистон масалалари бўйича ижрочи директори Лоран Ги «Жаҳон» Ахборот агентлиги мухбири билан учрашиб, унинг саволларига жавоб қайтарди.

(Давоми 2-бетда).

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

«ОЛМАЛИҚДА НОХУШ МАНЗАРА»

Газетамизнинг 2003 йил 5 апрель сонида юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола эълон қилинган эди. Унда Олмалик шаҳридаги бир қатор аҳоли яшаш жойлари ва даҳалари, бозорлар атрофида тозалик ва ободонлаштириш ишларига эътибор берилмаётганлиги ҳақида сўз юритилган эди. Ушбу мақола юзасидан Олмалик шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари А. Ҳайдаров имзоси билан жавоб хати олинди.

Унда маълум қилинишича, мақолада кўрсатиб ўтилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш мақсадида мутасадди корхона ва ташкилотлар, муассасалар, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармаларининг шаҳар бўлимлари, ўзини ўзи бошқариш идоралари фаоллари иштирокида йиғилиш ўтказилган ва мутасадди ташкилотларга аниқ топшириқлар юклатилган.

Хатда таъкидланишича, баъзи корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятсизлиги оқибатида мақолада кўрсатилган камчиликларга йўл қўйилган. Эндиликда уларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. Чунончи, 17-мактаб, Туркистон кўчасидаги 13-уй атрофлари ахлат ва майиш чикиндилардан тозаланган. Барча маҳалла кўмиталарига, уй-жой мулкдорлари ширкатларига, коммунал хизмати

корхоналарига шаҳар ҳудудига йиғилаётган чикиндиларни доимий равишда ўз вақтида чиқариб туриш вазифаси юклатилган.

Шунингдек, Ойдин дехқон бозори яқинида жойлашган кўп қаватли бинолар атрофларида белгиланмаган жойларга ахлат ва чикиндиларни ташлаб кетиш ҳоллари ҳануз кузатилаётганлиги эътироф этилди. Буни бартараф этиш учун эса, ахлат чикиндиларини олиб кетиш учун шаҳардаги умумий овқатланиш ва савдо дўконлари билан шаҳар санитария-тозалаш бошқармаси шартномалар тузишни ҳалигача охирига етказмаганлиги маълум бўлганлиги айтилди.

Мақолада Туркистон кўчасида жойлашган марказий дехқон бозоридаги аҳвол ҳам танқид остига олинган эди. Бунинг учун эса бозор маъмурияти лоқайдлик қилган.

Юқоридаги фикрларни инobatга олган ҳолда шаҳар ҳокимининг 2003 йил 8 январдаги 4-сонли қарорига асосан ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини доимий равишда давом эттириш қатъий белгилаб қўйилди.

Ишда йўл қўйилган нуқсонлар учун шаҳар ҳокими фармойиши билан шаҳар ҳокими ўринбосари И.Зокиров, маҳалла кўмиталари раислари Ю.Тожиев, Х. Холматов, М. Юнусовалар интизомий жазога тортилди. Бундай ҳолатлар қайта такрорланмаслиги учун доимий назорат қучайтирилди.

БОШҚАРМАДА МАШҒУЛОТ

Тошкент вилоят Адлия бошқармасида давлат ва хусусий амалиёт билан шугullanувчи нотариал идораларнинг нотариуслари, вилоят ва шаҳар ички ишлар бошқармалари давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари учун семинар-йиғилиш ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Автомототранспорт воситалари сотиб олиш, улардан фойдаланиш ва уларни бошқа шахсларга беришни тартибга солиш тўғрисида», «Автотранспорт воситаларининг олди-сотди шартномаларини расмийлаштиришни тартибга солиш тўғрисида»ги қарорларидан келиб чиқадиған вазифалар хусусида сўз борди.

Ўз мухбиримиз.

МАЪНАВИЯТ СОАТЛАРИ ДАВОМ ЭТАДИ

Якинда бўлиб ўтган Янгийўл шаҳар фаолларининг йиғилиши аҳоли ўртасида маънавий-маърифий тадбирларни янада кучайтиришга бағишланди.

«Маънавият ва маърифат» Марказий кенгашининг саъй-ҳаракатлари билан Озиқ-овқат технологияси коллежида шаҳар кутубхоначиларининг «Китоб бизнинг муқаддас мулкимиз», «Маънавият ва маърифатнинг ҳаётдаги ўрни» мавзуларида машғулотлар ўтказилди. Шунингдек, вилоятдаги коллежлар, академик лицейлар маънавият ва маърифат ўқитувчиларининг «Жаҳолатга қарши маърифат» деб номланган семинар-кенгаши ҳам кўпчилиكنи кизиқтирди. Маънавият кунлари ва соатлари давом этмокда.

Зухра ҲАЙДАРОВА.

«ТОШКЕНТ АНЖУМАНИ ЕТТБ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНГИ ПОҒОНАГА КЎТАРАДИ»

— **Жаноб Ги, Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банкнинг Ўзбекистон билан икки томонлама ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва истиқболлари ҳақида гапириб берсангиз.**

— Бир неча йил аввал банк раҳбарияти диққат-этиборни муқаддам ЕТТБ учун устувор бўлган Шарқий Европа мамлакатларидан ўтиш даврининг бошида турган МДХ, хусусан, Марказий Осиё ва Кавказ давлатларига қаратиш тўғрисида қарор қабул қилди. Мақсад — бу мамлакатларга катта миқдорда сармоялар киритиш эди. Банк фаолиятидаги устувор йўналишларнинг ўзгаришини бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида Марказий Осиё давлатларининг кўпгина муаммоларга дуч келгани ва халқаро молиявий институтларнинг кўмагига муҳтож бўлгани билан изоҳлаш мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитлари, молия ва банк тизимлари ҳамда назорат органларини кучайтириш зарурати ана шундай муаммолар сирасига киради. Марказий Осиё минтақасидаги айрим давлатларнинг маблағларни жалб қилиш борасидаги имкониятлари чекланган. Шу мамлакатларнинг аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимларини такомиллаштириш борасида бевосита маҳаллий идоралар билан ишлаш учун имкониятлар топишга интиламиз.

Яна бир долзарб йўналиш — кичик ва ўрта бизнес корхоналарини ривожлантириш масаласи. Бу ЕТТБ учун устувор йўналиш бўлиб, кредитларнинг асосий қисмини айнан шу соҳага, шунингдек жадал суръатлар билан ривожланаётган микро-бизнесга йўналтиришга ҳаракат қиламиз.

Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банкнинг Ўзбекистон билан

(Давоми. Боши 1-бетда).

лан ҳамкорлиги масаласига келсак, ўн бир йил мобайнида молия тизимини такомиллаштириш, ўрта ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, хусусийлаштириш жараёнига қўмаклашиш, инфраструктура ривожлантириш ва бошқа йўналишлардаги турли лойиҳаларни амалга ошириш учун 723,8 миллион доллар маблағ ажратилди. Яқин келажақда Ўзбекистон иқтисодиётига сармоялар ҳажми кўпайтирилиши мўлжалланмокда. Шу маънода республика раҳбарияти миллий валютанинг тўла конвертациясига эришиш, хусусий сектор учун қулай шароитлар яратиш борасида амалга ошираётган саъй-ҳаракатлари самарали ҳамкорлигимизни янада кенгайтириш учун замин бўлади.

Марказий Осиё мамлакатлари тарихида илк бор ЕТТБ Бошқарувчилари Кенгаши йиллик мажлисининг Тошкентда ўтказилиши, Ўзбекистоннинг улкан сармоявий салоҳиятга эга экани ҳамда минтақавий ҳамкорлиكنи ривожлантиришда муҳим ўрин тутишини ЕТТБ томонидан тан олаётганининг тасдиғидир.

— **ЕТТБ Бошқарувчилари Кенгашининг йиллик мажлиси кун тартиби, шунингдек мазкур анжуманнинг банк учун, хорижий сармоядорлар ва Ўзбекистон учун аҳамияти не чоғли деб ўйлайсиз?**

— Йиллик мажлис икки асосий қисмдан, яъни Банка аъзо мамлакатларнинг расмий мажлиси ҳамда кўп сонли сармоядорлар, турли компаниялар, банклар ва молиявий доиралар вакиллари иштирокида ўтадиган Бизнес-форумдан иборат бўлади. Йиғилиш давомида банк бошқарувчилари ЕТТБнинг фаолияти, хусусан Марказий Осиё минтақасига йўналтирилган фаолияти хусусида фикр алмашадилар. Анжуманда асосий эътибор минтақага

хорижий сармоядорларни кенг-роқ жалб этиш, Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни фаоллаштириш, шунингдек, иқтисодий ва сиёсий ислохотларга қўмаклашишга қаратилади.

Бугунги кунда хорижий сармоядорлар йирик бозорлар излаш ҳаракатида эканлигини ҳисобга олиб, Мараказий Осиёда ягона бозор яратиш муаммоси муҳокамаси йиғилиш кун тартибининг асосий масалаларидан бири бўлади.

Бизнес-форум ўтказиш жараёнида 27 мамлакатнинг тақдирот маросими бўлиб ўтади. Унда ишбилармон доиралар вакиллари учун янги ҳамкорлар ва турли давлатларнинг расмий вакиллари билан учрашиш имконияти яратилади. Шунингдек, минтақадаги давлатларнинг иқтисодий ривожланиш натижалари, янги сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш имкониятлари билан чуқурроқ танишадилар.

Айни пайтда, мазкур анжуман доирасида етакчи экспертлар иштирокида ўтказиладиган семинарлар қисқа вақт ичида иқтисодиётнинг турли соҳаларида ҳамкорлик қилиш имкониятлари билан танишиш учун шароит яратади.

Умид қиламизки, ЕТТБнинг Тошкентдаги йиллик мажлиси Ўзбекистон ўзининг улкан салоҳиятини жаҳонга намойиш этиш, мамлакат иқтисодиётига хорижий сармоядорларни жалб қилишда янгидан-янги истиқболларнинг очилиши учун қулай имконият бўлиб қолади. Шубҳа йўқки, мазкур анжуман Ўзбекистон ва ЕТТБ ўртасидаги икки томонлама муносабатларни янги босқичга кўтаради.

**«Жаҳон» АА мухбири
Мардон ЁҚУБОВ
суҳбатлашди.**

Лондон.

Табиат муҳофазаси

АТРОФ-МУҲИТНИ МУСАФФО САҚЛАЙЛИК

Тошкент вилоятида саноат юқори даражада тараққий этганлиги сабабли атроф-муҳит ва ичимлик сувларининг мусавффолигини таъминлаш экологларнинг энг асосий вазифасига айланмокда.

Бу борада вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси томонидан қатор хайрли ишлар амалга оширилмокда. Кўмитадаги сўнгги йиғилишда Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 16 январдаги «Ер ости ичимлик сувлари зоналарига алоҳида муҳофаза қилинади-ган ҳудуд макомини бериш тўғрисида»ги 405-сонли қарорининг бажарилиши кўриб чиқилди. Бундан ташқари, ҳайъат кўмитанинг биринчи чорак иш якунлари ва келгусидаги вазифалари ҳамда республика Олий Мажлиси Табиатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича кўмитасининг 2003 йил 18 февралдаги «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг Фарғона вилоятида бажарилиши ҳақида»ги қароридан келиб чиқадиган вазифалар ҳам кўриб чиқилди. Ҳайъат мажлисида йирик саноат корхоналарининг раҳбарлари таклиф қилинди. Шунинг таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг биринчи чорагида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан атмосферага чиқарилаётган зарарли моддалар 1,7 минг тоннага, очик сув ҳавзаларига ташланаётган ифлосланган сув миқдори 1,2 миллион куб метрга қискарди.

Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

П. ЙЎЛДОШЕВ,

Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси техника-ишлаб чиқариш бўлимининг раҳбари.

«ҚАЛҚОН» — ҲУДУДЛАРАРО БИРИНЧИ

Ҳаётимиз Қомуси — Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш, унинг мақсад ва моҳиятини ёш авлодга етказиш муҳим вазифаларимиздан биридир.

Шу мақсадда уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган кўплаб тадбирлар, суҳбат-учрашувлар ҳамда ўқувчи-ёшлар ўртасида баҳс-лашувлар ўтказилмокда.

Жумладан, Янгийўл шаҳар маданият уйида «Сиз қонунни биласизми?» мавзусидаги беллашувнинг ҳудудлараро босқичи бўлиб ўтди. Унда Янгийўл, Чирчиқ шаҳарлари, Янгийўл, Зангиота, Чиноз, Қуйичирчиқ туманлари мактабларининг голиб жамоалари 4 та шарт бўйича ўзаро беллашди. Ҳакамлар ҳайъати зукко жамоаларнинг савол-жавоблари, «Суд жараёни» сахна кўриниши ва сардорлар ўртасида бўлиб ўтган мунозараларни баҳолаб бордилар. Якуний натижага кўра Чиноз туманидаги 1-умумтаълим мактабининг «Қалқон» жамоаси биринчилиكنи эгаллади. Эндиги навбат — вилоят миқёсида бўлиб ўтадиган ҳуқуқий-саводхонлик беллашуви.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ.

МУҚАДДАС БУРЧ



фахр-ифтихорига айланасиз. Сизнинг ҳарбий техникани эгаллаш йўлидаги ҳар бир ҳатти-ҳаракатингиз мамлакатимиз муқаддас қудратини оширишга муҳим ҳисса бўлиб қўшилади. Сизлар — Ватанимиз сарҳадларининг жасур ҳимоячилари бўлиб вояга етасиз.

«Нуроний» жамғармаси вилоят бўлимининг раиси Нўмон Насимов йигитларга оқ йўл тилади.

— Сизни катта тантаналар билан кузатиб қолапмизми, вақтинчалик, яна шундай хурсандчилик билан бағримизга босиш бизга насиб этсин, — деди сўзининг сўнггида нотик.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳарбий хизматга жўнаб кетаётган чирчиқлик Алибек Жумаев бугунги такомиллашиб бораётган Ўзбекистон Армияси ҳақида гурурланиб гапирди ва унга муносиб бўлиб етишишга, ҳеч қачон ота-она, Ватан юзини ерга қаратмасликка барча йигитлар номидан сўз берди.

Ота-оналар номидан Муяссар Солиҳматова фарзандларига насиб этган бу бахт билан уларни қутлади ва уларга қатъий ишонажagini айтди.

Биз ҳарбий хизматга йўл олаётган айрим йигитлар ва уларнинг ота-оналари билан суҳбатлашдик.

— Фарзандимни ҳарбий кийимда кўришни анчадан буён

орзу қилиб келардим, — деди Янгийўл шаҳридан хизматга чақирилган Абдуғанининг онаси Адолат Абдураззоқова. — Бугун ана шу орзум рўёбга чиқяпти. Болажонларим, хизмат давомидаги ҳаётингизда барчангизга омад ёр бўлсин.

— Ҳарбий хизматга бориш биз ўйлаганчалик осон кечмади, — дейди чирчиқлик Оловиддин Рўзиев. — Спортнинг енгил атлетика турлари бўйича ва узоқ масофага югуриш синовларидан ўтдик. Билимларимиз ҳам имтиҳон қилинди. Ана шундай кўриклардан муваффақиятли ўтиб, бугун ҳарбий хиз-



матга жўнаб кетаётганлигимдан бахтиёрман.

Хуллас, шу куни барча ота-оналар фарзандларига аскарлик бахти насиб этганидан мамнун эканликларини изҳор этдилар. Йигитлар ҳам элга муносиб фарзанд бўла олаётганлари боис кўзларида меҳр чакнади.

Биз ҳам ҳарбий хизматни эсон-омон ўтаб қайтишларида бу йигитларга омад ва муваффақият, куч-ғайрат тилаймиз.

**Равшан ЁҚУБЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.**

СУРАТЛАРДА: чақирилувчиларни ҳарбий хизматга кузатиш маросимидан лавҳалар.

**Даврон АҲМАД олган
суратлар.**

Буюк ипак йўли бўйлаб САФАРНОМАНИ ЎҚИҲ

*Икки минг йил давомиди
Фарбни Шарк билан боғлаб
турган Буюк ипак йўли саё-
хатчи ва турли саргузашт
иштиёқмандларини ўзига ром
этиб келган. Буюк ёзувчи Лев
Толстой жиянининг набира-
си Александра Толстая ҳам
қадимий карвон йўли бўйлаб
саёхатга чиқишни ёшликдан
орзу қилар эди.*

Эдинбург университетини
битириб чиққан ёш А.Толстая уч
дугонаси ҳамроҳлигида 1999
йилда от ва туяларда Марказий
Осиё давлатлари ҳамда Хитой
бўйлаб узок сафарга чиқди. Буюк
Британия Кириллик жуғрофия
жамияти кўмагида ташкил этил-
ган ушбу саёхат Қорақум чўлла-
рида бошланиб, саккиз ойдан
сўнг Хитойнинг Сиан шаҳрида ўз
ниҳоясига етди. Саёхатчилар бу
давр мобайнида саккиз минг
километрдан ортиқ йўл босиб
ўтишди.

А.Толстая бу фаройиб саёхат
ҳақидаги эсдаликларини яқинда
нашр этилган «Ипак йўлининг
сўнгги сирлари» китобида баён
этди.

Александра Толстаянинг таъ-
кидлашича, Буюк ипак йўли
бўйлаб қилинган сафар саёхат-
чиларда ўчмас хотира қолдириб,
уларнинг ҳаётини янги мазмун
билан бойитди.

Ўзбекистон Республикасининг
Лондондаги элчихонасида бўлиб
ўтган китобнинг тақдимот маро-
симида Қиролича оиласи вакил-
лари, Буюк Британия парламен-
ти аъзолари ва бошқа меҳмон-
лар иштирок этдилар.

М.ЁҚУБОВ,
«Жаҳон» АА. Лондон.



Тақдимот

ЎТМИШ ЖИЛОЛАРИ

*Дехлидаги мухташам «Оберой интерконтиненталь» меҳмон-
хонасида «Ўтмиш жилолари. Маданий оҳанглар
— Ҳиндистон ва Марказий Осиё» номли рангли-безакли ки-
тобнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Асарни мамла-
кат Ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Винод Кханна
жамоатчиликка ҳавола этди.*

Янги китобнинг муаллифи
Радха Раина мустақил
тадқиқотчи бўлиб, Ҳиндистон
ва Марказий Осиё ўртасида-
ги маданий алоқалар тарихи
бўйича таниқли мутахассис-
лардан бири ҳисобланади.
Мазкур асар Радха Раина-
нинг Марказий Осиё мамла-
катлари, хусусан, Ўзбекистон
бўйлаб уч маротаба қилган
илмий-ижодий сафарининг
маҳсулидир.

Қарийб 140 саҳифадан
иборат ушбу китоб Ҳиндис-
тон ва Марказий Осиё
халқлари ўртасидаги мада-
ний алоқалар тарихига
бағишланган бўлиб, унда
Будда динининг Ҳиндистон-
дан минтақамиз томон
тарқала бошлаган даврдан
ортиб, то йигирманчи
асрдаги муҳим қадимшунос-

лик топилмаларига ҳам ўз
ифодасини топган.

Яна бир диққатга сазовор
томони шундаки, ушбу
китобда мамлакатимиз
ҳудудида топилган қадимшу-
нослик топилмалари,
Ўзбекистондаги қатор музей-
ларда сақланаётган осори-
атиқалар ҳақида ҳикоя
қилувчи саҳифалар ҳам
бисёр. Уларни Тошкентдаги
Санъатшунослик илмий-
тадқиқот институти, Тему-
рийлар тарихи давлат
музейи, Ўзбекистон тарихи,
Нафис санъат, Бухородаги
Ситораи Мохи Ҳоса музей-
лари ва қатор бошқа музей-
ларимиз экспонатларининг
сурат-нусхалари ўз аксини
топган.

«Жаҳон» АА, Дехли.

САВДО ЯРМАРКАСИ ЯКУНЛАНДИ

*Вилоятимизнинг Янгийўл шаҳрида Вазирлар Маҳкамасининг
истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ва савдо комплексининг
топишириғига мувофиқ маҳсулотларнинг кўргазмали чакана
савдо ярмаркалари ўтказилди.*

Бунда республика енгил са-
ноат давлат акциядорлик ком-
панияси, «Ўзбекчармпойабзал»
ҳамда «Ўзбек ипаги» уюшмала-
ри билан бир қаторда вилоят ма-
ҳаллий саноат корхоналари, ху-
сусий тадбиркорлар, ишбилар-
монлар ўз маҳсулотлари билан
қатнашдилар.

Ярмаркани ўтказишдан мақсад
республикада ишлаб чиқарилаёт-
ган халқ истеъмоли товарлари
билан аҳолини таништириш ва бу
маҳсулотларни уларга етказиб
беришдир. Шунингдек, ушбу мол-

ларга бўлган эҳтиёж ва таклиф-
ларни ўрганиб, ишлаб чиқарувчи
ва харидор ўртасидаги мулоқот-
ларни ҳал этишдан иборат. Яна
бир муҳим вазифа ўзимизда иш-
лаб чиқарилаётган товарларнинг
пишиқлигига, экологик тозаллиги-
га, нархининг арзонлигига, четдан
келаётган маҳсулотлардан устун-
лигига харидорлар эътиборини
қаратиш бўлди. Бундай ярмарка-
лар келажақда республика иқти-
содининг ривожланишида муҳим
омил бўлиб қолиши мумкин.

Камолiddин АСҚАРОВ.



СУРАТДА: кўргазмадан лавҳалар.

Даврон АХМАД олган сураатлар.

ИМКОНиятлар КЕНГАЙМОҚДА

*«Обод маҳалла йили»да маҳаллаларни ободонлаштириш, аҳоли
турмуш шароитларини янада яхшилашга қаратилган ишлар
кўчайиб бораётти.*

Асосийси белгиланган қурилиш ишларининг суръати ортмоқда.
Обод маҳалла давлат дастурида кўзда тутилган вазифалар ўз иж-
росини топаётти. Чунончи,Зангиота туманидаги Номданак маҳалла-
сида ҳам бу борада диққатга сазовор ишлар қилинмоқда.

Шу кунга қадар маҳалланинг янги ташкил этилган кўчаларидаги
127та хонадонга газ ва сув қувурлари тортилди. 59 хонадонга те-
лефон симлар ҳам кириб борди. Йил сўнгига қадар яна бир нечта
оилалар учун ана шундай имкониятларни яратиш кўзланмоқда.
Яқинда бу ерда маҳалла гузари мажмуаси ҳам фойдаланишга топ-
ширилди.

Камол РАҲМАТОВА.

КОРХОНА, ТАШКИЛОТ, МУАССАСАЛАР ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорлари-
ни ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молия-
вий таъминлаш департаментининг Тошкент вилояти ҳудудий бўлими жи-
ноят, фуқаролик ва хўжалик судларининг қарорларига асосан, шунингдек,

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига божхона қонун-қоидаларини бузиб,
ноқонуний равишда, яъни контрабанда йўли билан мол-мулкни олиб ки-
ришда фойдаланилган автомобилотранспорт воситаларининг кимошди сав-
доси ўтказилиши ҳақида

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. «ГАЗ-5204» автомобили, 1975 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 I 13-52, бошланғич нархи 200.000 сўм, техник носоз.
2. ГАЗ-3102» автомобили, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 L 98-18, бошланғич нархи 800.000 сўм, носоз.
3. «Дамас» автомобили, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 J 29-06, бошланғич нархи 1.000.000 сўм, носоз.
4. «КамАЗ-5511» автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 I 25-43, бошланғич нархи 2.000.000 сўм, техник носоз.
5. «ЗИЛ» автомобили, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 91-07 ТШ, бошланғич нархи 250.000 сўм, техник носоз.
6. «МАЗ-300» автомобили, 1978 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 X 04-81, бошланғич нархи 1.000.000 сўм, техник носоз.
7. «КамАЗ-3320» автомобили, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АО 455, бошланғич нархи 4.500.000 сўм, техник носоз.
8. «ЗИЛ-138 А» автомобили, давлат рақами 10 А 53-72, бошланғич нархи 1.200.000 сўм, техник носоз.
9. «КамАЗ-5320» автомобили, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 19 F 00-05, бошланғич нархи 3.500.000 сўм, техник носоз.
10. «ГАЗ-52» автомобили, давлат рақами У 73-59

- ТШ, бошланғич нархи 1.040.000 сўм, техник носоз.
11. «ЕРАЗ-762» автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 I 08-99, бошланғич нархи 1.040.000 сўм, техник носоз.
12. «ГАЗ-53» автомобили, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 30 А 20-19, бошланғич нархи 1.252.800 сўм, техник носоз.
13. «ГАЗ-53» автомобили, 1977 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 30 В 41-53, бошланғич нархи 1.252.800 сўм, техник носоз.
14. «ГАЗ-53» автомобили, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 X 37-68, бошланғич нархи 1.252.800 сўм, техник носоз.
15. «ГАЗ-52» автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 L 08-27, бошланғич нархи 1.040.000 сўм, техник носоз.
16. «ГАЗ-СА 3357» автомобили, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 K 01-58, бошланғич нархи 1.304.000 сўм, техник носоз.
17. «ЕРАЗ-762» русумли автомобили, давлат рақами 10 Z 60-64, техник носоз.
18. «ГАЗ-3302» русумли автомобили, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AL 130, бошланғич нархи 2.480.000 сўм, техник носоз.
19. «ЗИЛ-130» русумли автомобили, давлат рақами Ю 52-91 ТН, бошланғич нархи 2.000.000 сўм, техник носоз.
20. «ИЖ-2715» русумли автомобили, 1988 йилда иш-

- лаб чиқарилган, давлат рақами 10 W 06-74.
21. «ЕРАЗ-762 В» русумли автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 Z 60-64.
22. «УАЗ-3303» русумли автомобили, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 М 20-46, бошланғич нархи 1.40.000 сўм, техник носоз.

**Кимошди савдоси (аукцион)
2003 йил 19 апрель куни соат
12.00 да Тошкент вилояти
Тошкент туман суди биноси 5-
хонасида ўтказилади.**

Кимошди савдосида қатнашадиган корхоналар, фу-
қаролар бошланғич нархининг 10 фоиз миқдорини
тўлаб қатнашишлари мумкин.

Кимошди савдосида қатнашиш учун аризаларни
қабул қилиш ва рўйхатдан ўтиш 19 апрель куни соат
11.00 га қадар давом этади.

Манзил: Тошкент тумани, К. Ғофуров кўчаси,
10-уй, 1-қават.

Маълумот учун телефонлар:
152-73-43, 53-08-78, (8-296) 53-718.

Dushanba 14

«Ўзбекистон» телеканал

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан душанба, 14 апрель кунин «Ўзбекистон» телеканал кўрсатувлари соат 15.00дан бошлаб кўрсатилади.

15.00 «Тахлилнома».

15.45 «Тўртинчи хокимият».

16.00 ТВ клип

16.10 «Камила».

Телесериал.

16.40 «Обод уйда пок одамлар яшайди».

17.00 ТВ анонс.

17.05 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпио-

нати. «Қизилқум» – «Нефти».

17.55 ТВ маркет.

18.00 Янгилеклар

18.10 «Қалб гавҳари».

18.30 «Япония: Буюк тадбиркорлар».

Хужжатли телесериал премьераси.

18.55 Мумтоз наво-лар.

19.10 «Мулкдор».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёлонлар

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртакла-ри.

20.15 Биржа ва банк хабарлари.

20.30 «Ахборот».

21.05 2003 йил – Обод маҳалла йили.

«Кўпчилик қаторида».

21.25 ТВ клип.

21.35 «Ўзбекистон» каналда илк маро-таба: «Қиш соната-си». Телесериал.

22.30 «Кўшигимиз сизга армуғон».

22.50 «Ахборот-дайжест».

23.10-23.15 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

Профилактика муносабати билан, душанба 14 апрель кунин «Ёшлар» телеканал кўрсатувлари соат 14.55дан бошланади.

14.55 Кўрсатувлар дастури.

15.00 «Давр» ҳафта ичида.

15.30 ТВ-анонс.

15.35 Спорт салтана-ти.

15.55 «Аёллар танго-си». Бадий фильм.

17.15 Минг бир ривоят.

17.20 «Янги авлод» почтаси.

17.35 «Анпанман».

Мультсериал.

18.00 Йигит омон бўлса...

18.15 Далил ва шарҳ.

18.30 ТВ-анонс.

18.35 Тафаккур ёлқинлари.

18.50 Олтин мерос.

18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 Давр.

19.35 ТВ-анонс.

19.40 «Меҳр кўзда».

Мақтубларга шарҳ.

20.00 Дийдор.

20.20 Ёшлар овози.

20.40, 21.25, 22.35 Ёлонлар

20.45 «Гваделупе».

Телесериал.

21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.

21.50 Олтин мерос.

22.00 Давр.

22.40 ТВ-анонс.

22.45 «Рей Брэдбери

театри». Сериал.

23.10 «Ёшлар» телека-налида спорт: Интерфутбол.

Танаффус пайтида - 0.00 «Давр».

1.00-1.05 «Хайрли тун!»

«Тошкент» телеканал

17.10 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 ТТВда сериал.

«Муҳаббат риштаси».

17.55, 19.05, 21.50 «Экспресс» телегазе-таси.

18.15 Болажонлар экрани.

18.30, 20.0, 21.10 22.10 «Пойтахт».

Ахборот дастури.

18.50 «Спорт ва болалар».

19.25 «Халқ саломат-лиги йўлида».

19.50 «Auto-news».

20.25 ТТВда сериал.

«Мафтункор аёл».

21.30 «Хусусийлашти-риш: қадам-бақа-дам».

22.35 Кинонигоҳ. «Ой нури агентлиги». 1-2-сериялар.

0.15-0.20 «Хайрли тун, шахрим!»

«Халқаро» телеканал

16.30 Кўрсатувлар тартиби.

16.35 «Вести».

16.50 Мультфильм.

17.15 «Евроњњњ» янгилеклари.

17.30 «Машхурлар: Ринат Дасаев».

18.00 «Мени кутгил».

19.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.

20.00 «Время».

20.35 «Сўнгги қаҳра-мон-3».

21.40 «Бизнес-ревью».

21.45 «Санъат му-зейи». Хужжатли

фильм.

21.55 CFI тақдим этади: «Асрнинг буюк инсонлари».

22.50 «Ахборот» (рус тилида)

23.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

16.55гача профилактика ишлари.

16.55 Дастурнинг очилиши. 17.00 «Маъ-рифий дастур».

17.40, 20.45 «Телеҳамкор».

18.00 «30-канал» кино-оқшоми: «Шарпа».

19.30 «Ошиқона» муси-кий дастури. 19.45 «Химоя ҳуқуқи». Сери-ал. 21.05 «Клип-сов-ға».

Телетабрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».

21.30 «30-канал» кинооқшо-ми: «Икки томонлама алдов».

23.15 «30-ка-нал»да спорт.

Seshanba 15

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

8.00-8.35 «Ахборот».

8.35 ТВ маркет.

8.40 Газеталар шарҳи.

9.00 «Камалак».

Болалар учун кинодастур.

10.00, 12.00, 14.00 Янгилеклар

10.05 «Мулкдор».

10.20 «Арабелла – қароқчи қизи».

Бадий фильм.

11.30 Ўзбекистон телерадиокмпания-си эстрада симфо-ник оркестрининг концерти.

11.55, 13.55 ТВ анонс.

«Болалар сайёраси»:

12.05 1. «Улғайиш поғоналари». 2. «Олтин тож».

Телевизион ўйин.

13.00 «Қиш соната-си». Телесериал.

14.10 «Муносабат».

14.50 «Кўпчилик қаторида».

15.10 Мусикий танаф-фус.

15.20 «Камила».

Телесериал.

15.50 «Баркамол авлод орзуси».

16.10 «Ватанимга хизмат қиламан».

17.10 «Тафсилот».

17.30 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпио-нати. «Пахтакор» – «Насаф» жамоалари учрашуви. «Пахта-кор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаф-фус пайтида – Янгилеклар

19.20 «Репортаж».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёлонлар

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртакла-ри.

20.15 FCN «Ўзбекис-тон янгилеклари» (инглиз тилида)

20.30 «Ахборот».

21.05 «Сиёсат олами-да».

21.25 ТВ клип.

21.35 «Ўзбекистон» каналда илк маро-таба: «Қиш соната-си». Телесериал.

22.30 «Солиқ ва биз».

22.45 «Спорт, спорт, спорт».

23.00 «Ахборот-дайжест».

23.20-23.25 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.

9.00 Давр.

9.15 «Янги авлод» почтаси.

9.30 «Анпанман».

Мультсериал.

9.55 Бизнес акаде-мия.

10.10 ТВ-анонс.

10.15 Саломатлик сирлари.

10.35 «Сув ости экспедицияси».

Хужжатли сериал.

11.25 Кинотақдим.

11.45 «Гваделупе».

Телесериал.

12.25 Ёшлар овози.

12.45 Интерфутбол.

14.25 ТВ-анонс.

14.30 «Рей Брэдбери театри». Сериал.

14.55 Қишлоқдаги тенгдошим.

15.15 «Ақлдан оздира-диган ўйинлар».

Сериал.

15.45 Дийдор.

16.05 «Бўрилар ҳақида ҳақиқат». Хужжатли фильм.

16.55 Кўрсатувлар дастури.

17.00 «Янги авлод» студияси: «Жажжи гўзал».

17.20 «Анпанман».

Мультсериал.

17.45 ТВ-анонс.

17.50 Танч.

18.10 Замона ёшлари.

18.30 Автопатруль.

18.50 Олтин мерос.

18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 Давр.

19.35 Давр-интервью.

19.50 ТВ-анонс.

19.55 «Ёшлар» телека-налида премьера: «Момо ер». Маъри-фий фильм. 1-қисм.

20.20 Ёшлар овози.

20.40, 21.25, 22.35 Ёлонлар

20.45 «Гваделупе».

Телесериал.

21.30 Чемпион сирла-ри.

21.50 Олтин мерос.

22.00 Давр.

22.40 ТВ-анонс.

22.45 «Рей Брэдбери театри». Сериал.

23.10 «Ёшлар» телека-налида спорт дасту-ри: «Нокаут».

23.35 Давр.

23.50-23.55 «Хайрли тун!»

«Тошкент» телеканал

17.10 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 «ТТВда сериал.

«Муҳаббат риштаси».

17.55, 19.05, 21.55 «Экспресс» телегазе-таси.

18.15 Болажонлар экрани.

18.30, 20.0, 21.10, 22.15 «Пойтахт».

ахборот дастури.

18.50 «Химоя».

19.25 «Ижод қирралар-ри».

19.40 «Хамшаҳарлар».

20.25 ТТВда сериал.

«Мафтункор аёл».

21.30 «Хотира». Н. Аҳмедова.

22.45 Кинонигоҳ. «Ой

нури агентлиги». 3-4 сериялар.

0.25-0.30 «Хайрли тун, шахрим!»

«Халқаро» телеканал

БИРИНЧИ КАНАЛ 6.30-8.00

16.30 Кўрсатувлар тартиби.

16.35 «Вести».

16.50 «Жонли табиат».

17.00 «Мультсеанс».

17.15 «Евроњњњ» янгилеклари.

17.30 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.

18.00 «Ишонч ва муҳаббат замини».

Сериал.

19.00 А. Пугачева «Муҳаббат эртаги».

20.00 «Время».

20.40 «Ўзга ҳаёт».

Сериал.

21.45 «Бизнес-ревью».

21.50 «Азиз инсон-лар».

22.10 «Муз zone».

22.25 FCN Ўзбекистон янгилеклари (инглиз тилида)

22.35 Кинематограф. «Оқим». Бадий фильм.

0.10 «Ахборот» (рус тилида)

0.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очи-лиши. 9.05, 15.00, 17.40, 20.45 «Теле-ҳамкор».

9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар».

Сериал. 10.40 «Жанго-вор санъат олами».

11.10 «Сирларимиз ёзи». Сериал. 12.00 «Ажойиб хонимлари-миз учун». Комедия.

13.30 «Яго, зулмат эҳтироси». Телесери-ал. 15.00 Телешоу.

16.00 «30-канал»да спорт. 16.50 «Телба дунё».

Хужжатли сери-ал. 18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Орқага йўл йўқ».

19.30 «Оши-қона». Мусикий дасту-р. 19.45 «Химоя ҳуқуқи». Сериал. 21.05 «Клип-совға».

Теле-табрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкин-тойлар!».

21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Умрбод ёш».

23.15 «Рестлинг титанлари».

Chorshanba 16

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

8.00-8.35 «Ахборот».

8.35 17.55 ТВ мар-кет.

8.40 Газеталар шарҳи.

9.00 «Соз сеҳри».

9.20 «Рангин дунё».

9.40 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилеклар

10.05 «Тафсилот».

10.25 «Отни ким эгарлайди?» Бадий фильм.

11.40 «Бакамол авлод орзуси».

12.05 Болалар учун. «Фламинго».

12.25, 13.55, 15.25 ТВ анонс.

12.30 «Солиқ ва биз».

12.45 «Спорт, спорт, спорт».

13.00 «Қиш соната-си». Телесериал.

14.10 «Сиёсат

оламида».

14.30 «Остонаси тиллодан».

14.50 «Иктидор».

Интеллектуал ўйин.

15.30 «Лоф уришга ким уста?» Мульт-фильм.

15.40 Мусикий танаф-фус.

15.55 «Ягона оилада».

16.25 «Камила».

Телесериал.

«Болалар сайёраси»:

16.55 1. «Кувноқ шаҳарча». 2. «Бола-лар ва катталар».

18.10 «Дунёқараш».

18.30 «Умид». Телело-терея.

19.00 «Олтин мерос».

19.10 «Мулкдор».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёлонлар

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртакла-ри.

20.15 «Юзма-юз».

20.30 «Ахборот».

21.05 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сесси-

яси олдида. «Парла-мент вақти».

21.25 ТВ клип.

21.35 «Ўзбекистон» каналда илк маро-таба: «Камила».

Телесериал.

22.05 «Санъат дўстлиқка чорлайди».

М. Раззокова.

22.30 «Биринчи рицарь». Бадий фильм. 1-қисм.

23.30 «Ахборот-дайжест».

23.50-23.55 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.

9.00 Давр.

9.15 «Янги авлод» студияси: «Жажжи гўзал».

9.35 «Анпанман».

Мультсериал.

10.00 Давр-интервью.

10.15 ТВ-анонс.

10.20 Тарақиёт уфклари.

10.40 «Сув ости экспедицияси».

Хужжатли сериал.

11.30 Танч.

11.50 Ёшлар овози.

12.10 «Гваделупе».

Телесериал.

12.50 Далил ва шарҳ.

13.05 «Ёшлар» телека-налида спорт дасту-ри: 1. «Нокаут» 2. Теннис.

14.10 Болалар экрани: «Мульттомоша».

14.25 «Меҳр кўзда».

Мақтубларга шарҳ.

14.55 «Рей Брэдбери театри». Сериал.

15.20 Замона ёшлари.

15.40 «Ақлдан оздира-диган ўйинлар».

Сериал.

16.05 Йигит омон бўлса...

16.20 Автопатруль.

16.40 «Учинчи сайё-ра». Маърифий дастури.

17.30 Кўрсатувлар дастури.

17.35 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар».

17.55 «Анпанман».

Мультсериал.

18.20 Кафолат.

18.40 Каталог.

18.50 Олтин мерос.

18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 Давр.

19.35 ТВ-анонс.

19.40 Сийрат.

20.00 Спортлото.

20.10 Ёшлар овози.

20.30 Кўхна оҳанглар.

20.40, 21.25, 22.35 Ёлонлар

20.45 «Гваделупе».

Телесериал.

21.30 «Бунёдкор» ёшлар телеклуби.

21.50 Олтин мерос.

22.00 Давр.

22.40 ТВ-анонс.

22.45 «Рей Брэдбери театри». Сериал.

23.10 «Ёшлар» телека-налида спорт: Интерфутбол.

Танаффус пайтида – 0.00 Давр.

1.00-1.05 «Хайрли тун!»

«Тошкент» телеканал

17.10 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 «ТТВда сериал: «Муҳаббат риштаси».

17.55, 19.15, 22.20 «Экспресс» телегазе-таси.

18.15 «Болажонлар экрани».

18.30, 20.0, 21.10, 22.40 «Пойтахт».

ахборот дастури.

18.50 «Мусикий меҳмонхона».

19.35 «Аёл қалби».

20.25 ТТВда сериал.

«Мафтункор аёл».

21.30 «Дорихона эшитоди. Бевоҳита мулоқот».

23.05 Кинонигоҳ. «Ой нури агентлиги». 5-6-сериялар.

0.45-0.50 «Хайрли тун, шахрим!»

«Халқаро» телеканал

БИРИНЧИ КАНАЛ 6.30-8.00

16.30 Кўрсатувлар тартиби.

16.35 «Вести».

16.50 «Дунё мамла-катлари».

17.15 «Евроњњњ» янгилеклари.

17.30 Е. Петросяннинг «Кулгу панорамаси».

18.00 «Ишонч ва муҳаббат замини».

Сериал.

19.00 «Аншлаг».

19.45 «Хинд оҳангла-ри».

20.00 «Время».

20.40 «Ўзга ҳаёт».

Сериал.

21.45 «Бизнес-ревью».

21.50 «Спорт техноло-гияси».

22.10 Кинематограф. «Аламли муҳаббат».

Бадий фильм.

23.30 «Ахборот» (рус тилида)

0.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 «Телеҳамкор».

9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар».

Сериал. 10.40, 16.00 «30»да спорт. 11.10 «Тез ёрдам».

Сериал. 12.00 «Муҳаббат йўлида». Мелодрама.

13.30 «Яго, зулмат эҳтироси». Якуний. 15.00 Телешоу.

16.00 «30» да спорт. 16.50 «Телба дунё».

Хужжатли сериал. 18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Соғлар вақти».

19.30 «Ошиқона». Мусикий дастур. 19.45 «Химоя ҳуқуқи».

Сериал. 21.05 «Клип-совға».

Телетабрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».

21.30 «30-канал» кинооқшо-ми: «Болалар ўйини».

23.15 Спорт дастури.

Payshanba 17

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

8.00-8.35 «Ахборот».

8.35, 17.55 ТВ маркет.

8.40 Газеталар шарҳи.

«Болалар сайёраси»:

9.00 1. «Кувноқ шаҳарча». 2. «Болалар ва катталар».

10.00, 12.00, 14.00,

18.00 Янгилеклар

10.05 Алифбо сабоқ-лари.

10.25 «Уч бақалок».

Бадий фильм.

11.45 Мусикий танаф-фус.

12.05 «Портретга чизгилар».

12.25 ТВ анонс.

12.30 «Мулкдор».

12.45 «Озод юрт одамлари».

13.05 «Санъат дўстлиқка чорлайди».

М. Раззокова.

13.30 «Ким ҳақ?».

Телевикторина.

14.10 «Парламент вақти».

14.30 Кундузги сеанс: «Болажон қиз».

Бадий фильм.

15.45 «Меҳр қолур».

16.05 «Камила».

Телесериал.

16.35 Енғиндан сақлаш хизмати ходимлари кунига. «Олов – тилсиз ёв».

«Болалар сайёраси»:

16.55 1. «Болалиқнинг мовий осмони». 2. «Қизқарли учрашув-лар».

18.10 Бир жуфт

қўшиқ.

18.20 «Химмат».

18.35 «Умр мазмуни».

18.55 «Репортаж».

19.05 «Инсон ва қонун».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёлонлар

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртакла-ри.

20.15 FCN «Ўзбекис-тон янгилеклари» (инглиз тилида)

20.30 «Ахборот».

21.05 Телемулоқот:

21.45 ТВ клип.

21.55 «Ўзбекистон» каналда илк маро-

таба: «Камила».

Телесериал.

22.25 «Бир умр ҳамроҳим». Спорт дастури.

22.45 «Биринчи рицарь». Бадий фильм. 2-қисм.

23.45 «Ахборот-дайжест».

0.05-0.10 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.

9.00 Давр.

9.15 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар».

9.35 «Анпанман».

Мультсериал.

10.00 ТВ-анонс.

10.05 Спорт-қитъаси (рус тилида)

10.30 Чемпион сирла-ри (рус тилида)

10.50 «Сув ости экспедицияси».

Хужжатли сериал.

11.40 Кафолат.

12.00 «Гваделупе».

Телесериал.

12.40 Ёшлар овози.

13.00 Интерфутбол.

14.40 Сийрат.

15.00 «Рей Брэдбери театри». Сериал.

15.25 Болалар экрани: «Мульттомоша».

15.40 ТВ-анонс.

15.45 «Ақлдан оздирадаган ўйинлар». Сериал.

16.10 «Учинчи сайёра». Маърифий дастури.

17.00 Кўрсатувлар дастури.

17.05 «Янги авлод» студияси: «Шоҳсу-па».

«Боланинг тили».

17.45 «Анпанман».

Мультсериал.

18.10 Ёшлар овози.

18.30 Табобат оламида.

18.50 Олтин мерос.

18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 «Давр».

19.35 «Давр»-

интервью.
19.50 Мутулаа.
20.05 «Момо ер».
Маърифий фильм.
2-кисм.
20.30 Ватан ҳақида
қўшиқлар.
20.40, 21.25, 22.35
Эълонлар
20.45 «Гваделупе».
Телесериал.
21.30 Бегойим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Рей Брэдбери
театри». Сериал.

23.10 «Ешлар» теле-
каналда спорт:
«Интерфутбол».
Танаффуз пайтида -
0.00 Давр.
1.00-1.05 «Хайрли
тун!»

«Тошкент» телеканал

17.10 Кўрсатувлар
тартиби.
17.20 ТТВда сериал.
«Муҳаббат ристаси».
17.55, 19.10, 22.0
«Экспресс» телега-
зетаси.
18.15 «Болажонлар

экрани».
18.30, 20.0, 21.10,
22.20 «Пойтахт».
Ахборот дастури.
18.50 «Навнихол».
19.30 «Гўзаллик
оламида». Телевизи-
он фильм.
19.40 «Камолот
фасли».
20.25 ТТВда сериал.
«Мафтункор аёл».
21.30 «Умр йўлдоши».
22.45 Кинонигоҳ.
«Ой нури агентлиги». 7-
8-сериаллар.
0.25-0.30 «Хайрли
тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал

БИРИНЧИ КАНАЛ
6.30-8.00
16.30 Кўрсатувлар
тартиби.
16.35 «Вести».
16.50 «Мультсеанс».
17.15 «Евроныйс»
янгилликлари.
17.30 «Биз анойи
эмасмиз». Ҳажвий
кўрсатув.
18.00 «Ишонч ва
муҳаббат замини».
Сериал.

19.00 «Кулгу хонаси».
19.45 «Ассалом,
Франция!»
20.00 «Время».
20.40 «Ўзга ҳаёт».
Сериал.
21.45 «Бизнес ревью».
21.50 «Оқори техноло-
гиялар олами».
22.00 «Соккер клуб».
22.20 FCN Ўзбекистон
янгилликлари (инглиз
тилида)
22.30 Кинематограф.
«Тунги поезд».
Бадийий фильм.
23.35 «Ахборот» (рус

тилида)
0.10 «Тунингиз осуда
бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очи-
лиши. 9.05, 17.40,
20.45 «Телехамкор».
9.30, 14.10 Болалар
соати. 10.15 «Пауэр
Рейнжерс ёки кучли
рейнжерлар» Сериал.
10.40, 16.00 «30-да
спорт». 11.10 «Тез
ёрдам». Сериал. 12.00
«Икки ёклама қувиб
ўтиш». Жангари фильм.
13.30 «У қотиллиқни

баён этди». Телесери-
ал. 15.00 Телешоу.
16.50 «Телба дунё».
Хужжатли сериал.
18.00 «30-канал» ки-
нооқшоми: «Шарққа
курьер». 19.30 «Оши-
кона». Мусикий дасту-
р. 19.45 «Химоя
хукуки». Сериал.
21.05 «Клип-совга».
Телетабринома.
21.20 «Хайрли тун,
кичкинтайлар!». 21.30
«30-канал» кинооқшо-
ми. «Ийртқиқлар».
23.15 Спорт дастури.

Juma

18

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом,
Ўзбекистон!»
8.00 – 8.35 «Ахбо-
рот».
8.35, 17.55 ТВ
маркет.
8.40 Газеталар
шаҳри.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Болалиқнинг
мовий осмони». 2.
«Қизилқарни учра-
шувлар».
10.00, 12.00, 14.00,
18.00 Янгилликлар
10.05 «Химмат».
10.20 «Табор кўкка
интилади». Бадийий
фильм.
11.50 Мусикий
танаффуз.
12.05 «Инсон ва
қонун».
12.25 «Интизор».
Видеофильм.
13.30 ТВ анонс.
13.35 «Олам».
Телеальманах.

14.10 Телемулоқот:
14.50 «Кувноқлар ва
зукколар». Телемусо-
бака.
15.50 «Депутат».
16.05 «Камила».
Телесериал.
«Болалар сайёраси»:
16.35 1. «Цирк, цирк,
цирк». 2. «Уйла,
Изла, Топ!» Телему-
собака.
17.35 «Нурли манзил-
лар».
18.10 «Сихат-саломат-
лик».
18.30 «Ажаб саодат
эрур». Бадийий-
публицистик кўрса-
тув.
18.50 «Тафсилот».
19.05 «Зиё» студияси
намойиш этади:
«Эътиқод мустаҳкам-
лиги йўлида».
19.25, 19.55, 20.25,
21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус
тилида)
20.00 Оқшом эртакла-
ри.

20.15 Бир жуфт
қўшиқ.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Муносабат».
21.45 ТВ клип.
21.55 «Ўзбекистон»
каналда илк маро-
таба: «Камила».
Телесериал.
22.25 «Олтин бешик».
22.45 «Спорт, спорт,
спорт».
23.00 «Ахборот-
дайжест».
23.20-23.25 Ватан
тимсоллари.

«Ешлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар
дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод»
студияси: «Шоҳсупа».
«Боланинг тили».
9.55 «Анпанман».
Мультсериал.
10.20 ТВ-анонс.
10.25 «Давр»-интер-
вью.
10.40 «Сув ости
экспедицияси».
Хужжатли сериал.
11.30 Ешлар овози.
11.50 Мутулаа.
12.05 «Гваделупе».

Телесериал.
12.45 Бегойим.
13.05 Интерфутбол.
14.45 ТВ-анонс.
14.50 «Рей Брэдбери
театри». Сериал.
15.15 Қўли гул уста.
15.35 «Бўғдойзорлар
оралаб». Бадийий
фильм.
16.45 Кўрсатувлар
дастури.
16.50 Уйна, болажон,
уйна.
17.05 «Янги авлод»
студияси: «У ким?
Бу нима?», «Савол
беринг- жавоб
берамиз».
17.45 «Анпанман».
Мультсериал.
18.10 Аскар мактубла-
ри.
18.30 Ҳуқуқ ва бурч.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Узимизники.
19.55 Давр нигоҳи.
20.15 Азизим.
20.40, 21.25, 22.35
Эълонлар
20.45 «Гваделупе».
Телесериал.
21.30 Қишлоқдаги

тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Рей Брэдбери
театри». Сериал.
23.10 «Ешлар» телека-
налида спорт: «Ринг
қироллари».
0.10 Давр.
0.25 «Кўза». Телеви-
зион бадийий фильм.
0.55-1.00 «Хайрли
тун!»

«Тошкент» телеканал

17.10 Кўрсатувлар
тартиби.
17.20 ТТВда сериал.
«Муҳаббат ристаси».
17.55, 19.25, 22.0
«Экспресс» телегазе-
таси.
18.15 «Билим» теле-
клуби.
18.30, 20.0, 21.10,
22.20 «Пойтахт»
ахборот дастури.
18.50 «Саодат кали-
ти».
19.45 «Эл хизматида».
20.25 ТТВда сериал.
«Мафтункор аёл».
21.30 «ТВ плюс».
22.45 Кинонигоҳ. «Ой

нур агентлиги». 9-
10-сериаллар.
0.25-0.30 «Хайрли тун,
шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал

БИРИНЧИ КАНАЛ
6.30-8.00
16.30 Кўрсатувлар
тартиби.
16.35 «Вести».
16.50 «Мультсеанс».
17.15 «Евроныйс»
янгилликлари.
17.30 Хужжатли
детектив.
18.00 «Ишонч ва
муҳаббат замини».
Сериал.
18.50 «Мўжизалар
майдони».
20.00 «Время».
20.35 «Бизнес-ревью».
20.40 «Дурдаршан».
21.10 «Услуб».
21.25 «Хит парад».
21.45 «Яшаш восита-
си».
22.00 «Тунги учра-
шув».
22.15 «Ахборот» (рус
тилида)
22.50 Кинематограф.
«Ижарага бола».
Бадийий фильм.

0.20 «Тунингиз осуда
бўлсин!»

30-канал
9.00 Дастурнинг
очирилиши. 9.05, 17.40,
20.45 «Телехамкор».
9.30, 14.10 Болалар
соати. 10.15 «Пауэр
Рейнжерс ёки кучли
рейнжерлар» Сериал.
10.40 «Харакатдаги
сайёра». 11.10 «Тез
ёрдам». Сериал.
12.00 «Кичик апока-
липсис». Жангари
фильм. 13.30 «У
қотиллиқни баён
этди». Телесериал.
15.00 Телешоу. 16.00
«30-да спорт». 16.50
«Телба дунё». Хужжат-
ли сериал. 18.00 «30-
канал»да ринг қирол-
лари. 18.50 Юмор да-
стури. 19.30 «Ошиқо-
на». Мусикий дастур.
19.45 «Химоя ҳукуки».
Сериал. 21.05 «Клип-
совга». Телетабринома.
21.20 «Хайрли
тун, кичкинтайлар!». 21.30
«30-канал» кинооқшо-
ми: «Фақат сен-
нинг кўзларингиз
учун». 23.15 Спорт
дастури.

Shanba

19

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом,
Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар
шаҳри.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Цирк, цирк,
цирк». 2. «Уйла,
Изла, Топ!» Телему-
собака.
10.00 «Зиё» студияси
намойиш этади:
«Эътиқод мустаҳкам-
лиги йўлида».
10.20 «Ақсия».
10.40 «Бу турфа
олам».
11.35 «Спорт, спорт,
спорт».
11.50, 16.55 ТВ
анонс.
11.55 Мусикий
учрашувлар.
12.20 ТВ-1 кинотеат-
ри: «Шерлок
Холмс». 4-фильм. 1-
кисм.
13.30 «Маърифат».
Телеальманах.
13.50 «Шерлок
Холмс». 4-фильм. 2-

кисм.
15.05 «Адабий жара-
ён».
15.25 «Чорраха».
15.45 «Ягона оилада».
16.15 Болалар учун.
«Фламинго».
16.35 «Орзулар
қанотида».
17.00 «Спорт олами-
да».
17.50 «Бахтимизга
омон бўлинг».
18.10 «Ўзбекино»
тақдим этади:
«Фарзандларимиз
биздан ҳам бахтли
бўлиши керак».
18.25 «Яхшилар ёди».
18.45 «Интеллектуал
ринг». Телеуйин.
19.25, 19.55, 20.25,
21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус
тилида)
20.00 Оқшом эртакла-
ри.
20.15 FCN «Ўзбекис-
тон янгилликлари»
(инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Обод уйда пок
одамлар яшайди».
21.25 ТВ клип.
21.35 «Яхшилик».

Телешоу.
22.10 Футбол бўйича
Ўзбекистон чемпио-
нати. «Трактор» -
«Дўстлик».
23.00 «Ахборот-
дайжест».
«Тунги ёғду»: Дам
олиш дастури.
23.20 «Боқираллик
асри». Бадийий
фильм.
1.25-1.30 Ватан
тимсоллари.
**«Ешлар»
телеканал**
7.55 Кўрсатувлар
дастури.
8.00 Давр тонги.
9.00 «Янги авлод»
студияси: «У ким?
Бу нима?», «Савол
беринг- жавоб
берамиз».
9.40 «Анпанман».
Мультсериал.
10.05 Табобат олами-
да.
10.25 ТВ-анонс.
10.30 Ринг қироллари.
11.30 «Давр» нигоҳи.
11.50 «Гваделупе».
Телесериал.
12.30 Азизим.
12.55 Болалар экрани:
«Самсон ва Салли».
13.55 «Момо ер».
Маърифий фильм.
1-кисм.

14.20 ТВ- анонс.
14.25 «Чархпалак».
Телевизион бадийий
фильм, 6-кисм.
15.10 «Ешлар» телека-
налида спорт дасту-
ри: Теннис.
15.50 Ҳуқуқ ва бурч.
16.10 «Момо ер».
Маърифий фильм.
2-кисм.
16.35 Кўрсатувлар
дастури.
16.40 «Янги авлод»
студияси: «Бўш
ўтирма», «Истеъдод».
«Қўшиқ бизларга
ҳамроҳ», мульт-
фильм.
17.40 Бола тилидан.
18.10 ТВ-анонс.
18.15 «Момо ер».
Маърифий фильм.
3-кисм.
18.40 Каталог.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Кўхна оҳанглар.
19.50 «Давр»-репор-
таж.
20.00 Қутилмаган
меҳмон.
20.20, 21.10, 22.35
Эълонлар
20.25 «Чархпалак».
Телевизион бадийий
фильм. 7-кисм.
21.15 Оҳанрабо.

22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 Кўхна оҳанглар.
22.55 «Жўнатилмаган
мактуб». Бадийий
фильм.
0.20 Футбол плюс.
0.50-0.55 «Хайрли
тун!»

«Тошкент» телеканал

17.10 Кўрсатувлар
тартиби.
17.20 «Мультчархпа-
лак».
17.40 «Жаҳон геогра-
фияси».
18.10, 20.10, 20.50
«Экспресс» телегазе-
таси.
18.30 «Афиша».
18.50 «Тошкент».
Манзарали фильм.
19.0 «Пойтахт».
Шанбадан-шанбагача
(рус)
19.25 «Табриқлаймиз-
қутлаймиз».
20.0 «ТВ мадад».
20.30 «Хусусийлашти-
риш: қадам-бақа-
дам».
21.10 «Нима учун?»
21.40 Кинонигоҳ.
«Есенин». 1-кисм.
22.50-22.55 «Хайрли
тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал

9.15 Кўрсатувлар
тартиби.
9.20 «Лаззат».
9.35 Е. Петросянининг
«Кулгу панорамаси».
10.15 «Қумуш шар».
Н. Варлей.
11.00 «Т. Полонская
билан бирга».
11.20 «Ишбилармон
кишилар».
11.40 «Покахонтас».
Мультфильм.
12.05 «Сирасини
айтганда».
12.45 Болалар соати:
«Буратино». Бадийий
фильм. 1-кисм.
13.50-14.50 «Дўстлик»
видеоанали: «Сахий
хонадонда», «Чин-
сэн», «Бизнен
мирас».
15.50 Кўрсатувлар
тартиби.
15.55 «Ил қўшиқла-
ри. Баҳор».
17.00 «Евроныйс»
янгилликлари.
17.10 «Ил қўшиқла-
ри. Баҳор».
17.50 «Ким миллионер
бўлишни истайди?»
18.55 «Сўнгги қаҳра-
мон-3».
20.00 «Время».
20.30 Жеки Чан
«Қойилмақом»

комедиясида.
22.25 Тото Кутуньо,
Н. Кадишева,
Лолита, Аль Бано,
Лайма Вайкуле
Кремлдаги «Сан
Ремо» концертида.
23.45 «Ахборот» (рус
тилида)
0.20 «Тунингиз осуда
бўлсин!»

30-канал
9.00 Дастурнинг
очирилиши. 9.05, 17.45,
20.45 «Телехамкор».
9.30 «Деннис-шумта-
ка». Мультсериал.
10.00 Болалар учун
фильм. 11.30 Жони-
ворларнинг аjoyиб
олами. 12.00 Ойла-
вий кино. «Тўрт
қўллик уйин». 13.40
«Дискавери соати».
14.30 Хинд киноси.
«Эшитаман, ҳужайин».
17.00 Телеуйин. 18.10
«30-канал» кинооқшо-
ми: «Каффе». 19.45
«Ошиқона». Мусикий
дастур. 20.00 «Вовоч-
ка». Сериал. 20.30
«Клип-совга». Теле-
табринома. 21.05
«Урта Ер денгизи».
Сериал. 22.00 «30-ка-
нал»да кинооқшом.
«Колония». 23.45
Мусикий дастур.

Yakshanba

20

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом,
Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак».
Болалар учун
кинодастур.
9.10 «Ғаройибот».
9.30 «Малика ва
етти баходир
ҳақида эртақ».
Мультфильм.
10.00 «Ватанимга
хизмат қиламан».
11.00 «Она меҳри».
11.20 «Рақибингиз
гроссмейстер».
11.30 «Бу турфа
олам».
12.20 «Дўстона
беллашув».
12.40, 15.05, 16.55
ТВ анонс.
12.45 Илм-фан
қўнига. «Фанимиз
истикболлари».
13.05 Экранда -
кинокомедия.
«Ишбилармон
кишилар».

14.25 «Интеллектуал
ринг». Телеуйин.
15.10 «Кўхна замин
оҳанглари».
15.30 «Яхшилик».
Телешоу.
16.05 «Кувноқ старт-
лар». Телемусобака.
16.35 «Портретга
чизгилар».
«Болалар сайёраси»:
17.00 1. «Санъат
гўнчалари». 2.
«Олтин тож». Теле-
визион уйин.
18.00 «Талабалик
йилларим».
18.20 «Қалб гавҳари».
18.40 «Шифобахш
маскан».
18.55 «Бир қулишай-
лик».
19.10 «Тўртинчи
ҳокимият».
19.25, 20.00, 20.25,
21.10 Эълонлар
19.30 «Тахлилнома»
(рус тилида)
20.05 «Оламга саё-
хат».
20.30 «Тахлилнома».
21.15 «Ўзбекистон -

Ватаним маним».
«Якшанба кинозали»:
21.40 «КиноТеатр».
22.00 «Ишқ». Бадийий
фильм. 1-2-кисмлар.
0.35-0.40 Ватан
тимсоллари.

«Ешлар» телеканал

7.55 Кўрсатувлар
дастури.
8.00 Давр тонги.
9.00 «Янги авлод»
студияси: «Бўш
ўтирма», «Истеъдод».
«Қўшиқ бизларга
ҳамроҳ», мульт-
фильм.
10.00 Давр-репортаж.
10.10 Оҳанрабо.
10.50 Очил дастурхон.
11.15 «ФИФА» (фут-
бол ичида, футбол
атрофида)
11.55 ТВ-анонс.
12.00 «Заковат».
Интеллектуал уйин.
12.55 Болалар экрани:
«Дикқат! Шаҳарда
сеҳрар».
13.55 «Ешлар» телека-
налида ҳарбий -
ватанпарварлик
дастури: 1. Марди
майдон, 2. Аскар
мактублари.
14.35 «Чархпалак».

Телевизион бадийий
фильм. 7-кисм.
15.20 Чемпион сирла-
ри.
15.40 «Момо ер».
Маърифий фильм.
3-кисм.
16.05 Қишлоқдаги
тенгдошим.
16.25 «Учинчи сайё-
ра». Маърифий
дастури.
17.15 Кўрсатувлар
дастури.
17.20 «Янги авлод»
студияси: «Уй
вазифаси», «Олтин
калит», мультфильм.
18.10 Спорт қафтаном-
маси.
18.25 Очун.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр»-pews.
19.20 ТВ-анонс.
19.25 Лабиринт.
19.50 Синфдош.
20.20 «Қаҳқаҳа» театр
- студияси намойиш
этади.
20.50, 21.40, 22.30
Эълонлар
20.55 «Чархпалак».
Телевизион бадийий
фильм. 8-кисм.
21.45 Олтин мерос.
22.00 «Давр» ҳафта
ичида.

22.35 ТВ-анонс.
22.40 Кўхна оҳанглар.
22.50 «Яраланган
юррак». Бадийий
фильм.
0.15-0.20 «Хайрли
тун!»

«Тошкент» телеканал

17.10 Кўрсатувлар
тартиби.
17.20 «Эртақларнинг
сеҳрли олами».
19.0, 20.10, 21.15
«Экспресс» телегазе-
таси.
19.30 «Табриқлаймиз-
қутлаймиз».
20.0 «ТВ мадад».
20.30 «Жаҳон геогра-
фияси».
21.0 «Нима учун?»
гуруҳи тақдим этади:
«Шунақа гаплар».
21.35 «Мисли гавҳар».
21.50 Кинонигоҳ.
«Есенин». 2-кисм.
22.50-22.55 «Хайрли
тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал

9.10 Кўрсатувлар
тартиби.
9.15 Д. Криловнинг
«Йўлда ёзилмаган
қайдлари».

9.35 «Ҳамма уйдали-
гида».
10.15 «Покахонтас».
Мультфильм.
10.40 «Кувноқ инглиз
тили».
10.50 «Кайфият».
12.20 «Лаззат сеҳри».
12.45 «Инглиз тили
Сиз учун».
13.10 «Хусусийлашти-
риш: қадам-бақа-
дам».
13.30 «Парле ву
франсе?»
13.55 FCN «Ўзбекис-
тон янгилликлари»
(инглиз тилида)
14.05-15.25 «Дўстлик»
видеоанали: «Ран-
гинкамон», «Дидар».
«Айчурек», «Корейс
тилини ўрганамиз».
17.30 Кўрсатувлар
тартиби.
17.35 «Билишни
истайман».
17.55 «Авиация
дунёси».
18.15 КВН-2003. Олий
лига.
20.35 «Дунёга назар».
20.50 «Хикоя».
21.10 «Алсу» иштиро-
кидаги концерт
дастури.
22.00 «Тенгдошлар».
22.25 «Кинопрофи».
22.40 Бокс. Кучли

профессионаллар
жанги. Денис
Бахтов - Геринг
Лейн.
23.35 «Тахлилнома»
(рус тилида)
0.10 «Тунингиз
осуда бўлсин».
30-канал
9.00 Дастурнинг
очирилиши. 9.05, 11.30,
17.45, 20.45 «Теле-
хамкор».
9.30 «Ден-
нис-шумтака». Мульт-
сериал. 10.00 Бола-
лар учун фильм. 12.00
Ойлавий кино. «Қай-
тарилиш». 13.40
«Дискавери соати».
14.30 Қўндузги кино-
зал. «Пақанани ту-
тиш». 16.10 Дам олиш
дастури. 16.40 Муси-
кий дастур. 17.00 Те-
леуйин. 18.10 «30-ка-
нал» кинооқшоми:
«Улди ёки ўзинг ўл».
19.45 «Ошиқона». Му-
сикий дастур. 20.00
«Агентлик». Ҳажвий
сериал. 20.30 «Клип-
совга». Телетабринома.
21.05 «Урта Ер
денгизи». Сериал.
22.00 «30-канал»да
якшанба кинооқшоми.
«Мухит». 23.50 Спорт
шаҳри.

Таассуф

ЎСИМЛИК ЁҒИДАН ЗАҲАРЛАНИШ МУМКИНМИ?

Истеъмолчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш долзарб масалалардан бирига айланиб бормоқда. Бу борада қонунлар, бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинмоқда, давлат ва жамоат назоратининг ўйғунлиги таъминланмоқда.

Лекин, қонунбузарлар, ман-фаатпарастлар ҳам кўл қовуштириб ўтиришмаяпти. Улар турли йўللار билан бойлик орттириш илнжиди. Ҳатто, инсон саломатлиги ҳам бундайларга писанд бўлмай қолди. Хусусан, кўлбола ўсимлик мойи ишлаб чиқарувчиларнинг «тадбиркорлик фаолияти» фикримизга далил бўла олади.

Маълумки, ўсимлик ёғи кунда ишлатилувчи маҳсулотлар турига киради. Ўйлаб кўринг, хонадонингизда ёғ йўқ бўлса, қандай қилиб мазали таом тайёрлашингиз мумкин?

Ўсимлик ёғи таркибида инсон ҳаёти учун зарур биологик моддалар, ёғ кислоталари, фосфатидлар, стеринлар бўлади. Улар инсон танасида энергия манбаи ҳисобланган энг асосий моддалар сирасига киради.

Бироқ, энг ёмон сифатсиз ўсимлик ёғи инсон танасида турли касалликлар келтириб чиқариши мумкин. Шу оддий ҳақиқатни инкор этувчи «ишбилармонлар» эса ҳануз тегишли технологик жараёнларга амал қилмаган ҳолда ёғ ишлаб чиқаришни давом эттиришаётир. Бундай кўлбола ўсимлик ёғларини шаҳар ва қишлоқларда сотиш ҳоллари учраб турибди. Кўча-кўйда, белгиланмаган жойларда, бозорлар атрофида инсон саломатлигига хавфли бўлган сифатсиз, ишлаб чиқариш шарт-шароити номаълум ўсимлик ёғларининг ноқонуний савдоси билан шуғулланаётган кимсалар оз эмас. Жумладан, ўтказилган текширишлар чоғида вилоятимизнинг Ўртачирчиқ тумани, Атҳам Саҳоба кўчаси, 2-уйда истиқомат қилувчи Абдурахмон Исҳоқов кўлбола қурилма ёрдамида масхар ёғи ишлаб чиқараётганлиги аниқланди. Бу пинҳона «цех»да белгиланган санитария-гигиена қоида ва меъёрларига риоя этилмаган. Тегишли шарт-шароитлар яратилмаган. Ўртачирчиқ тумани давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бу ноқо-

нуний ишлаб чиқаришга чек қўйди. Худди шундай ҳолат Қуйичирчиқ туманидаги Улуғбек номли ширкат ҳўжалигининг Га-лаботир кишлоғида ҳам рўй берган.

Бундай ёғнинг ишлатилиши жигарда сурункали хасталиклар, ошқозон-ичак йўлларида хавф-



ли яралар, юрак-қон томирларда бегона ёғ тўпламлари ҳосил қилиши, қон босими кўтарилиши, айниқса, ҳўжайраларда модда алмашинуви бузилишига олиб келади.

Сифатсиз ўсимлик ёғи таркибидида заҳарли гассипол моддаси овқатдан заҳарланишга ва ўткир ошқозон-ичак касалликлари сабаб бўлади. Бу касаллик белуштлиққа олиб келади. Тошкент вилояти давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ўтган йили 102 та ўсимлик ёғи намуналарини лаборатория таҳлилидан ўтказди. Шу ҳолат ташвишланарлики, бу таҳлиллар ҳам намуна санитария-гигиена талабларига асло жавоб бермаслигини кўрсатди. Натижада сотувда бўлган 511 килограмм сифатсиз ўсимлик ёғи истеъмолга яроқсиз деб топилди, уни сотиш тақиқланди. Зарарли бу маҳсулотлар дарҳол савдодан четлатилди.

А. ИСМОИЛОВ,

Тошкент вилояти Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази Овқатланиш гигиенаси бўлимининг мудбири, тиббиёт фанлари номзоди.



«ОНА ВА БОЛА» ИШГА ТУШДИ

Қибрай шаҳар марказида «Она ва бола» деб номланган янги юз ўринли туғруқхона мажмуи ишга туширилди. Ушбу иншоот тумандаги қатор ҳўжаликлар, корхона, муассасалар ва «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими саъй-ҳаракати билан қурилди. Уни замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлашда республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги яқиндан ёрдам берди.

Германиядан келтирилган жиҳозлар туғруқхонада муддатидан олдин туғилган болаларни парвариш қилиш, турли касалликларга чалинган гўдакларни даволашда катта самара бера олади. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Она ва бола» тиббий масканига «Дамас» автомашинаси калитини топширди.

Ўз мухбириимиз.

Тиббиёт

СОҒЛОМ ТИШ — СОҒЛИҚ ГАРОВИ

Тишларнинг бузилиши киши танасида кўпгина касалликлар ривожланишига олиб келади. ошқозон-ичак, юрак-қон-томир, руҳий ва оғиз бўшлиғи касалликлари авж олади.

Тиш касалликлари орасида энг кўп учрайдигани — кариесдир. У тишнинг бошқа касалликлари ривожланишига сабаб бўлади. Кариес тишнинг эмали зарарланиши билан бошланади. Тишнинг эмал қавати юза бўлиб, унинг мустаҳкамлигини таъминлайди. Тиш эмали насмит пардаси қоплаб туради. У тиш ялтироқлигини таъминлайди.

Тиш эмали икки хил йўл билан озикланади: қон томирлари орқали келган озуклар тиш пулпасидан аста-секин эмалгача сўрилиб боради. Тиш эмали чайнов пайтида ҳам маълум озук олади.

Ривожланган давлатларда тишнинг кариес касаллиги кўп учрайди. Бунга сабаб тайёр маҳсулотлар кўп ишлатилиб, чайнашга эҳтиёж кам бўлади. Бу эса тишларнинг механик озикланишини камайтиради.

Натижада, тиш эмали озикланиши бузилиши мумкин.

Тишнинг кариес касаллиги бир неча босқичда кечади. Бу



доғ шаклида, юза, ўрта, чуқур кариес кўринишида намоён бўлади. Тишларда дастлаб доғ пайдо бўлганда бунга эътибор берилмаса, жараён аста-секин чуқурлашиб, ковак ҳосил бўлади. Чуқур коваклар тиш пулпасигача етиб, уни зарарлантиради. Бу эса тиш илдизи атрофи тўқималари касаллани-

шига сабаб бўлади. Оқибатда тишларни олиб ташлашга тўғри келади.

Тишларингизни касалланишдан асрайман десангиз, эрталаб ва кечки овқатдан сўнг уларни паста билан чўтка ёрдамида тозаланг. Олма, нок каби меваларни, таркибида кальций, фтор бўлган маҳсулотларни кўпроқ истеъмол қилинг. Маҳсулотларни мумкин қадар табиий ҳолатда еган маъқул. Тиш ораларини металл жиҳозлар билан тозаламанг. Чайнов пайтида ўнг ва чап томонлар билан чайнашга ҳаракат қилинг. Чекиш, писта чақиш, тиш билан қопқоқларни очишдан сақланг. Тишлар юзасида доғ кўрсангиз, албатта, шифокорга мурожаат қилинг.

Шу маслаҳатларга риоя қилиб борсангиз, тишларингиз касалланишининг олдини олган бўласиз. Тишларингиз соғ, демак, сиз гўзал ва соғлом-сиз.

Н. ҚУЛМУРОДОВ,

«Саломатлик» институти Тошкент вилоят филиали шифокори.

Sport

Sport

Sport

Осиё чемпионлар лигаси

«ПАХТАКОР» ФИНАЛГА ЧИҚАРМИКАН?

Осиё чемпионлар лигаси Низомига кўра, ярим финал баҳслари «ўйда» ва «сафарда» ўйналади. Пахтакорчилар биринчи учрашувни сафарда Таиланднинг «Бек Теро Сасана» жамоаси билан ўтказди.

Ўйин бошлангач, «Бек Теро Сасана» футболчилари ташаббусни ўз қўлларига олди. Дарвозабон Игнатий Нестеровнинг маҳорати «Пахтакор»ни бир неча бор голлардан сақлаб қолди. Бироқ, дарвозабон ҳар қанча уринмасин, меҳмонларнинг хатоси-



дан фойдаланган таиландлик футболчилар танаффусгача ҳисобни очишга эришдилар. Иккинчи бўлимда Виктор Жалилов Бахтиёр Ҳамидуллаев ва Леонид Кошелевларнинг ўрнига Миржалол Қосимов ҳамда Марат Бикмаевларни ўйинга туширди. Шунга қарамай, ўйинда бурилиш юз бермади. Аксинча, мезбонлар ҳисобни 2:0 га етказдилар.

Шундан сўнг вакилларимиз ҳужумга зўр беришди. Миржалол Қосимовнинг жарима майдонига оширган тўпини Анвар Солиев дарвозага боши билан йўллаб, ҳисобни қисқартирди. Аммо, химоячиларимизнинг қўпол хатолари ҳисобнинг 3:1 га етишига сабаб бўлди ва ўйин шундай натижа билан якунланди.

Пахтакорчилар сафардаги имкониятни майдон эгаларига бой берган бўлсалар-да, ҳали умид бор. Ўйлашимизки, 22 апрелда Тошкентда ўтказиладиган жавоб учрашувда улар финалга чиқиш учун астойдил ҳаракат қиладилар.

Талъат ЮСУПОВ.

СУРАТДА: биринчи тўп муаллифи Воровут Шримака.

ЎЗБЕКИСТОН ВАКИЛИ — МУСОБАҚА ҒОЛИБИ

Мумбайда теннис бўйича аёллар ўртасидаги мусобақалар ўтган шанба кунини ўз нихоясига етди. Қўвонарли жиҳати шундаки, ўзбекистонлик теннис устаси Ақгул Аманмуродовнинг ғалабаси билан якунланди.



Бир ҳафта давомидаги беллашувлар чоғида мамлакатимиз вакили ўз маҳоратини муносиб равишда намоиш этган ҳолда сўнгги —

ҳал қилувчи босқичга йўлланма олган эди. Ақгул Аманмуродова ҳамда ҳиндистонлик теннис устаси Рушми Чакраварти ўртасида бўлиб ўтган ушбу ҳал қилувчи ўйинда мамлакатимиз вакиласи ўз рақиби устидан 6-4, 3-6, 7-5 ҳисобида ғалаба қозонди.

Мусобақа мукофоти 10 минг АҚШ долларини ташкил этади. У Ҳиндистон Крикет клуби — Ҳалқаро Теннис федерацияси томонидан таъсис этилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз вакилининг ушбу муваффақияти Ўзбекистонда спортнинг жадал ривожланиб бораётганидан ва унинг мантикий давоми сифатида ёш иқтидорли спорт усталари етишиб чиқаётганлигига гувоҳлик беради.

«Жаҳон» АА.



ҚОРА РЎЙХАТГА КИРИТИЛДИ

«Жаҳон» ахборот агентлигининг хабар қилишича, апрель ойининг бошида Канада Бош прокурори мамлакат ҳукумати томонидан тасдиқланган террористик ташкилотлар рўйхатига яна еттита гуруҳ киритилганлигини эълон қилди. Улар орасида «Ўзбекистон ислом ҳаракати» (УИХ) деб аталмиш гуруҳ, Жанубий-шарқий Осиёда фаолият кўрсатаётган «Жамоати исломия», «Жафокаш Ал-Ақсо бригадалари» ва бошқа гуруҳлар бор. Шу тариқа, Канада ҳудудида фаолият тақиқланган террорчи ташкилотлар сони 27 тага етди.

Таъкидлаш жоизки, 2000 йилнинг август ойида АҚШ Давлат департаменти ҳам УИХни террорчи ташкилотлар рўйхатига киритган эди. Ўз навбатида БМТ ҳам ушбу гуруҳни 80 та тақиқланган террорчи ташкилотлар рўйхатига киритган эди.

2002 йилнинг октябрь ойида Англия парламентида халқаро терроризм ва унга қарши кураш муаммолари муҳокама қилинган эди. Ушунда Буюк Британия парламенти УИХни «Жамоати исломия» (Индонезия), «Абу-Сайёф» (Филиппин) ва «Асбатал-Ансор» (Ливан) гуруҳлари билан бир қаторда террорчи ташкилотлар рўйхатига кириштириб, Бирлашган Қироллик ҳудудида уларнинг фаолиятини тақиқлаган эди.

Шарҳловчи минбари

ИРОК: "ЎЙИН" ТУГАДИ...

Жаҳон оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, АҚШ қўшинлари Бағдодда тўла назорат ўрнатиш учун жангларни давом эттирмоқда. Пентагон раҳбари Доналд Рамсфелднинг маълум қилишича, АҚШ қўшинлари ҳозир шаҳарнинг ярмидан кўп қисмини ўз назоратига олган. Айрим кўчаларда жанглар ҳамон давом этмоқда. Ироқ аскарларининг қолган-қутганлари қаршиликни давом эттирмоқда.

Куни кеча Бағдод марказидаги ар-Расафа майдонидаги Саддам Хусайн ҳайкали ағдариб ташланди. ПАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабар беришича, мазкур майдонга мингдан ортиқ бағдодлик йиғилган. Улар ағдарилган ҳайкалга қарата тош ва бошқа нарсаларни улоқтирган. Бу билан ироқликлар узоқ йиллар ҳукм сурган Саддам Хусайн тузумига қарши чексиз нафратини ифода этди, дейиш мумкин. 35 йилдан буён Ироқ халқини кўрқув исканжасида ушлаб турган БААС тузуми рамзи ҳисобланган ҳайкал АҚШ танкларини ёрдамида ағдарилди.

Саддам Хусайн тақдири эса ҳамон жумбоқлигича қолаётир. Ироқ муҳолифатчилари вакили Аҳмад Чалабий Си-эн-эн телекомпаниясига интервью бериб, Саддам Хусайн бомбардимон пайтида ҳалок бўлмаганини айтди. Унинг таъкидлашича, Саддам ҳамда ўғилларидан бири тирик қолган бўлиши мумкин.

АҚШ ҳарбий қўмондонлиги ҳам Саддам ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмаслигини билдирмоқда.

АҚШнинг Умм-Каср шаҳрида ҳарбий асирлар учун барпо этилган лагери раҳбари полковник Жон Делла Жаконинг маълум қилишича, ҳозир Ироқнинг етти мингдан зиёд аскар асир сақланмоқда. Полков-



никнинг таъкидлашича, уларни Гуантанамо лагерига жўнатиш режалаштирилмаган. Умм-Касрда сақланаётган маҳбусларнинг тўрт нафари Ироқнинг юқори мансабли ҳарбийларидир.

Басрани назорат қилиб турган Буюк Британия қўшинлари эса ўз ихтиёри билан қуролини топширган Ироқ аскарларига авф эълон қилди. Шунингдек, британиялик ҳарбийлар шаҳарда тезроқ тартиб ўрнатиш учун аҳолини қуролларини топширишга чакирди. Чунки уч кундирки, шаҳарда талончилик авжиди.

Саддам Хусайн тузуми ағдарилганини Ироқ ҳукумати аъзолари ҳам тан ола бошлади. Масалан, Ироқнинг БМТдаги вакили ад-Дурий Бағдод тузуми билан алоқани узганини таъкидлаб, "ўйин тугади", деди. У БМТ қароргоҳида баёнот бериб, Саддам Хусайн Бағдодни назорат қилмаётганини тан олди. Яъни, Ироқ раҳбарияти билан бир неча кундан буён алоқа йўқ.

Саидмурод РАҲИМОВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

ТЕХНОЛОГИЯ КЎРGAЗMАСИДА

Германиянинг федерал ҳудуди Куйи Саксонияда ўтказилган «СЕБИТ-2003» деб аталмиш халқаро технология кўргазмаси кўпчилиكنинг эътиборини тортди. Унда 70 мамлакат фирмалари ва компанияларининг 8 мингга яқин вакиллари иштирок этдилар. Меҳмонлар ва мутахассислар техника ва технологиянинг замонавий энг сўнгги ютуқлари билан танишдилар. Кўргазма ишида Ўзбекистон Республикаси делегацияси ҳам қатнашди. Делегацияга Бош вазир ўринбосари А. Орипов бошчилик қилди.

«ТОЛИБ»ЛАР ЙЎҚ ҚИЛИНМОҚДА

Афғонистонда махв этилган «толиб»ларнинг қолдиқлари яна ғимирлаб қолдилар. Улар мамлакатнинг маъмурий биноларига ҳужум қилмоқдалар, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар раҳбарларига таҳдид ёғдирмоқдалар. Хусусан, Ғилмон вилоятида уларни йўқ қилиш бўйича АҚШ ҳарбийлари билан биргаликда Афғонистон махсус хизмати вакиллари иштирок этмоқдалар. «Рейтер» ахборот маҳкамасининг хабарига қараганда, «толиб»ларга қарши урушларда 20 та вертолёт ва 70 га яқин ҳарбий транспорт воситалари иштирок этган. Пойтахт Қобулдан шимолдаги Лашкаргоҳ шаҳрида ҳам ана шундай операциялар давом этмоқда.

ЯНГИ КАШФИЁТ

«Fujitsu» корпорацияси олимлари «Биометрик аниқлашнинг контакtsiz тизилмаси» деб аталган янги аппаратни кашф қилдилар. Унинг воситасида қон таркибини таҳлил этиш ёхуд шахслар муштараклигини аниқлаш операцияларини амалга ошириш мумкин. Бу ишлар киши қафтига жойлашган вена қон томирларига махсус датчик симининг тегизилиши билан аниқ мақсадга эришилади ва лозим ахборот олинади. Жорий йилнинг охирида мазкур асбоб сотувга чиқарилади, деб хабар қилди «Новости» ахборот агентлиги.

ВИРУС ЗАРАР КЕЛТИРМОҚДА

Хаво транспортининг халқаро ассоциацияси номаълум вирус таркатаётган пневмония хасталиги оқибатида авиакомпания 6,5 миллиард фунт стерлинг (9 миллиард долларга яқин) маблағ йўқотиши мумкинлигини эълон қилди. Яқин шарқ мамлакатларига учиб суръатларининг камайиб бораётганлиги ҳам иктисодиётга салбий таъсир кўрсатмоқда, деб хабар берди Буюк Британиянинг «The Times» ахборот агентлиги.



Ҳиндистон. Эртаксимон меҳмонхона.

ҚУДУҚДАН ЧИҚҚАН ХАЗИНА

Тинч уммони бўйидаги кичик бир қишлоқда истиқомат қилаётган қилик Диего ва Пепитадан камбағалроқ одам йўқ эди. Яқинда уларнинг сўнгги учта қўйи ўлди. Ховлидаги қудуқнинг суви қурий бошлади. Шунда Диего ҳайрон бўлиб, белига арқон боғлаб, қудуқ ичига тушди. Бир маҳал у лой билан қопланган каттагина хумча кўтариб чиқди. Унинг ичининг титкилаб, уй эгалари ёқа ушлаб қолдилар. Хумчанинг ичи Францияда 1640 йилдан 1795 йилгача зарб этилган олтин лундорлар билан лиқ тўла эди. Талъа шахридаги банк дарҳол топилмани сотиб олди, деб ёзди «Ла Эпока» газетаси.



КЕМАДАН...У ДУНЁГА

Ҳиндистоннинг Нармада дарёсида фожиа юз берди. Тўсиқсиз сузиб кетаётган кема ағдарилди. Унинг ичида 42 нафар ҳожилар бор эди. Полиция маълумотларига қараганда, 17 нафар киши ғарқ бўлган. Уларни қидириш давом этмоқда. Уларнинг тирик қолганлигидан умид йўқ, фақат жасадларига топилиши мумкин.

ЯПОНИЯДА ЗИЛЗИЛА

Японияда куни кеча ер қимирлади. Унинг кучи Рихтер жадвали бўйича 5,8 баллга етди. Сешанбадан чоршанбага ўтар кечаси рўй берган бу ҳодиса етти префектурани ўз ичига олди. 50 дақиқа оралигида курраи-замин икки бор силкинди. «Новости» ахборот агентлиги ушбу зилзиладан одамлар ҳаяжонга тушиб, кўчаларни тўлдириб юборганлигини таъкидлади.

АНТИҚА ШИКОЯТ



Италия газеталаридан бирининг тахририга номаълум эркак киши ҳовлиқиб қўнғироқ қилди ва газета унинг шахсий ҳуқуқларини поймол қилаётгани ҳақида гапирди. Навбатчи муҳаррир масалага оидинлик киритмоқчи бўлди. У ўзи билан сўзлашаётган кишининг яқиндагина банкни ўмарганини, лекин, газетада хабар берилганидек, 20 эмас, 11 миллион лира ўғирлаганини айтганида ҳайратда қолди. «Талаб қиламан, менга ўша 9 миллионни тиркаманглар, акс ҳолда ҳақиқат учун охиригача курашаман», — деди ўғри. Аммо, судга шикоят қиламан, дейишга тили бормади.

ҲОЗ ҲУЖУМИ «НОСОЗ»

Норвегиялик Кристианстад шаҳри яқинида жойлашган қўлда истиқомат қилувчи кекса ғозсимон оққуш Оскар бирданига қутуриб кетди. Ўзини ўта олифта ҳис этиб, қизи билан сайр қилиб юрган аёлга Оскар дафъатан ҳужум қилиб қолди. У ўз қурбонини орқасидан қисиб олди ва қирғоқдан беш метр ичкарига — сувга отиб юборди. У бечора аёлни бир неча бор сувга шўнғишга мажбур қилди. Агарда аёлнинг қизи атрофдагиларни ёрдамга чақирмаганда ва «безорини» тошбўрон қилмаганда, воқеанинг нима билан тугагини айтиб бериш қийин бўларди. Фақат полиция ходимларига Оскарни тўхтата олишди ва махсус сузувчи уйчага қамаб, уни жазолашди.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

Биз ва жаҳон

Дехлидаги Жавоҳарлал Неру университетида «МДХ: глобаллашув даврида сиёсат ва иқтисодиёт» мавзусига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

ДЕХЛИДАГИ ЭЪТИРОФ

Икки кун давомида «Марказий Осиё ва Ҳамдўстлик мамлакатларида интеграция жараёнлари», «Афғонистон ва Марказий Осиё», «Марказий Осиёда атроф-муҳит муҳофазаси» ва бошқа мавзулардаги қатор маърузалар тингланди.

— Мен инсоннинг бойлиги-га нисбатан унинг ақл-заковатини бирламчи деб биламан, — деди Ҳайдаробод университети профессори Муаззам Али. — Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президент Ислон Каримов бошчилигида оқилона ички ва ташқи сиёсат олиб бораётгани туфайли жаҳон ҳамжамиятида ўзининг мустақам ўрнига эга бўлди. Бунинг далили сифатида мамлакатингизнинг биргина халқаро терроризмга қарши кураш ишига қўшаётган салмоқли ҳиссасини эслашнинг ўзи кифодир. Терроризмнинг инсонлар учун нақадар хавфли ва жirkanч офат эканлигини эса Ҳиндистон халқи жуда яхши билади.

Шухрат УМИРОВ,
«Жаҳон» АА мухбири,
Дехли.

ТАРИХДА ИЛК БОР

Бельгия қироллиги ҳукумати Ўзбекистон Республикасига узок муддатли фойсиз заём ажратиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Буни ҳаёт дейдилар

ПАХТА ГУЛЛИ ЧОЙНАКЛАР

Ёшлигимизда қарияларнинг: «Эх, ҳозирги ёшлар, ёшлар...» деган эътирозларини, эшитиб қолардик. Қарангки, энди ўзимиз ҳам ёшлардан «айб излайдиган» аҳволга етибмиз. Қизиги, ёшлардаги камчиликларни кўриб, ёшлигимни эслайман, гоҳида йўл қўйган хатоларим ёдимга тушади, тавба дейман...

Янги келинчақлик даврларим эди. Жавонга бир текис териб қўйилган пахта гулли чойнак-пиёлаларимни кун ора артиб, жойини ўзгартириб, завқ билан кузатаман. Бундай тоза чиниларни бисотида йиғиб, ҳадя этган ота-онамга меҳрим жўшади, уларни соғинаман.

Кунларнинг бирида хонадонимиз бошига мусибат тушиб, ёшгина қайним оламдан ўтди. Қартайиб қолган қайнота-қайнонамнинг қайғуси кўкка ўрлади. У пайтлар узок-яқиндан келган қариндошлар уч-тўрт кунлаб ётиб қолишарди. Янги кўрпа-тўшаклар, жовондаги идиш-товокларим таъзия кунларида иш берди. Яна отамни эслайман, яхшиям буларни бисёр этиб ташлаган эканлар, қўни-қўшнидан сўрамадик, дейман. У пайтлар марҳумнинг «қирқи» ўтгунча пайшанба ва якшанба кунлари маҳалладан қариялар ва яқин қариндош-уруғлар келиб, Қуръон тиловат қилишар, уларга ош-овқат тайёрланар эди. Хуллас, одам аримасди...

Қайнимнинг «қирқи» ўтгандан кейин ота-онамникига бордим. Онам янги косаларга ов-

қат сузиб келдилар. Бу рўзғорбоп косанинг бинафшаранг гулига термулган кўйи отамдан сўрадим:

— Косани яқинда олдингизми, арзонгина бўлса керак-а? Менга шунақасидан қирқтача олиб беринг, пулини куёвингиз берадилар, дада. Пахта гулли идиш-товокларим роса уриниб кетяпти, ҳали таъзия бир йил давом этса...

Дадамнинг қовоқлари уюлди. Овқатдан тўхтаб, онамга таънали, ана, қанақа қиз тарбиялаганингни кўриб қўй, дегандек, қараб қўйдилар.

Онам кўзлари ер сузганча дастурхон попугини ҳимариб ўтирардилар. Отам оҳиста сўз бошладилар:

— Қизим, мен у идиш-товокларни ишлатиш учун олиб берганман, қанча ишлатилса, савоби ҳам шунга яраша бўлади. Аввал ўша идишларни яратиш туринглар, синиб қамайса, кейин ўйлаб кўрамиз...

Отамнинг бу ҳикматли сўзлари ҳамон қўлғим остида жаранглаб туради. Ўша пахта гулли идиш-товокларнинг умри узун экан, улардан ўғил-қизимга ҳам бўлиб берганман, лекин, ота-она йўқ... Ҳа, инсон умри бир пиёланинг умридан ҳам қисқа, аммо биз бунга англамай, мол-дунё қасдида алданиб юраверар эканмиз...

Соҳиба АБДУЛЛАЕВА.



КАБУЛИМГА КЕЛИНГ!

ма-ўттиз қадам нариги томони жарлик. Қарасанг, кўз тиниб, бош айланади. Баъзан тўққиз қаватли биноларда бир кун лифт ишламай қолса, унга чиққунча она сутимиз оғзимиздан келади-ку... Бу ерда ишлаётганларнинг жонига тўзим

берсин. Айримлар ҳар куни машқ қилавериш, спортчи бўлиб кетишибди...

Янги бино ишга тушгандан бери бошлиқнинг қўли тинч. Учта қайсар чол бир неча марта арз билан эмаклар-семаклар, қалъани ўзларича «забт» этмоқчи ҳам бўлишган. Аммо ярим йўлда ҳаво етмай, нафаслари бўғизларига тегилиб, ортларига қайтишган. Шундан

бери шикоятчиларнинг қадами тинган.

Раҳбар жойларда йиғилиш ўтказган пайтда битта гапни такрорлашни яхши кўради:

— Кимда қандай шикоят бўлса, марҳамат! Қабулхонам сизлар учун кечаю кундуз очик, боринглар қабулимга! Ўша ерда юзма-юз гаплашамиз. Қанақанги ечилмайдиган масала бўлса, ўша жойда ечамиз.

Хуллас, ана шу ишбилармон раҳбар билан суҳбатлашгани эрталаб тахририятдан топшириқ олдим. Аниги, бир шикоятни текширгани кетаяпман. Одамлар раҳбарнинг қабулига чиқа олмай, арзнома ёзишибди.

Автобусда кетаяпману, ўша баланд бинога қандай чиқишни ўйлаб бораёпман. Сигарет чекиш бўйича ўттиз беш йиллик стажим бор. Ўпка эски аравадек гижирлаб қолган. Яёв тепаликка кўтарила олармиканман? Юрак дош берармикан? Айтишларича, у ерга фақат каттанинг машинаси учун айланма йўл бор эмиш. Бошқалар қўйилмас экан. Ишқилиб, бировларнинг муаммосини ечаман деб, ўзимнинг масалам ҳал бўлиб қолмаса, бўлгани.

Ўткир САИДОВ.

Шу ўринда айтиш жоизки, Бельгия ҳукуматининг бу қарори фавқуллодда воқеадир. Зеро, Бельгиянинг бундай кўмаги фақат бир неча юз йиллар давомида у билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатган ва унинг устувор давлатлар рўйхатига киритилган мамлакатларгагина берилади. Ўшбу рўйхатни Бельгия қироли имзолайди ва мамлакат парламенти тасдиқлайди.

«Жаҳон» АА.

Шарқ табобати

- ◆ Қулоғи оғирроқ киши саримсоқ сувини қулоғига томизса, шифо топади.
- ◆ Шафтоли баргининг суви қулоққа томизилса, эшитишни яхшилайд.
- ◆ Агар кишининг қулоғи оғирса, унга ошқовоқнинг хом шарбатидан томизиш керак.
- ◆ Агар тиш оғирса, саримсоқни қайнатиб енг ва милкингизга хом саримсоқ палласини босинг, оғриқ қолади.

ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ

- Австриядаги пеликан қушининг тумшуги дунёдаги энг узун тумшук ҳисобланади. Унинг узунлиги 34 см.дан 47 см.гача етади.
- Қора крачка қушлари ўз умрини инларини ташлаб, узок йиллар ҳавода учиш билан ўтказадилар. Улар ерга фақатгина сув ичиш учун вақти-вақти билан тушишади.
- Энг узун қадам ташловчи қуш бу туяқуш бўлиб, унинг қадами 5-6 метрга етади. Агар туяқуш тез югурса, унинг қадами яна ҳам катталашиб, етти метргача етиши мумкин.
- Гриф Руппела номли қуш 1973 йил 11300 метр баландликда йўловчилар самолёти билан тўқнашиб кетган. Натижада самолёт двигателининг баъзи бир қисмлари шикастланган, аммо самолёт эсон-омон ерга қўнган. Бу турдаги қушларни 6 минг метрликдаги баландликда учишларини учратиш ҳоллари тез-тез кузатилган.

Жаҳонгир ДОЛИЕВ.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан Г.Н.Меньшикова номига тадбиркорлик билан шуғулланиш учун берилган 412154 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Шайхонтоҳур туманидаги 115-мактаб томонидан 1993 йил Туляева Нилуфар Султанмуратовна номига берилган АУ 315110 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармаси жамоаси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Бош директори Рустам Шомуродович Шогуломовга қизи **ЭЛЬВИРАНИНГ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент вилояти товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси жамоаси «Давинком» Давлат инвестиция фирмаси бош директори **Ҳосил ХУДОЙБЕРДИЕВНИНГ** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТДА ЯРАШАД

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълолар:
133-70-10, 136-53-80.

Манзилимиз:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат
матбуот қўмитасида 8 рақами
билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер
марказида тарилди ва
саҳифоланди.

● Эълон ва билдирув-
лардаги факт ҳамда далил-
ларнинг тўғрилиги учун
реклама ва эълон берув-
чилар масъулдир.